



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2017-yil 19-iyul, chorshanba

№ 29 (1040)

1996-yil dekabrda chiqa boshlagan

Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz

www.hurriyat.uz

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

- ✓ 17 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади.
- ✓ Президентимиз Шавкат Мирзиёев 15 июль куни пойтахтимизнинг Юнусобод туманига ташриф буюрди.
- ✓ Халқаро валюта жамғармаси ижрочи директори Кристин Лагард, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик мактубини йўллади.
- ✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 июлда «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги қарорни имзолади.
- ✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 июлда «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги қарорни имзолади.
- ✓ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида 2017 йил 12 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида парламент палаталари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари фаолиятининг таҳлили ҳамда истиқболдаги вазифаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.



Бугунги сонда:

Қовургангиз синса огримайдими?

Бозор... Дехқон бозор, кийим бозор, улгуржи бозор... Хуллас, бу чархи дунёда бозордан кўпи йўқ. Бироқ йигирма биринчи асрга келиб, барча соҳалар ўзгариб, ривожланиб, техника тараққийоти даври бошланиши билан бозорлар номи ҳам кенгайди. Эндилликда «мардикор бозори» деган атама ҳам тилимиздан кенг ўрин олди.

5

Шукур дейман ҳар тонг, ҳар оқшом

Ташвиқот гуруҳимиз чиққан микроавтобус ойнасида елкасига офтоб теккан кишлоғимнинг бир-биридан чиройли ҳовлиларини, улар олдида гулларга сув қуяётган келинларни кўриб завққа тўламан.

6

«Адибнинг умри ва йўли поёнсиз»

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов ҳаёт бўлганида бу йил 80 ёшга тўларди. Афсуски, шафқатсиз ўлим бу самимий инсон ва бетакрор ёзувчини 67 ёшида ҳаётдан олиб кетди. Лекин машҳур ҳажвчи адиб яратиб кетган бебаҳо асарлар ва бу асарларнинг кулгига маҳхум этилган бетакрор қаҳрамонлари ҳамон кулгисевар китобхонлар қалбида яшаб келаётир.

7

Оламшумул ишларга даъват

Давлатимиз раҳбарининг энг улуг, энг азиз байрамимиз — мустақиллик айёмига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарори халқимизнинг кўнглидаги гап бўлди. Қарорда таъкидланганидек, «Буюк ва бебаҳо неъмат — мустақилликнинг миллий тараққийтимиз, бугунги ва келгуси авлодлар тақдири, келажиги учун беқиёс аҳамияти йил-

лар ўтиши билан тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги халқимизнинг миллий манфаатларини, тинч ва осуда ҳаётини таъминлаш, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг мустақам пойдевори бўлиб келмоқда».

2



«HURRIYAT» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамраҳи.



МУНОСАБАТ

ПАРЛАМЕНТ ВА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР

**ислоҳотларнинг ташаббускори
бўлиши зарур**

Сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари фаолиятини кучайтирмасак, қонун ижодкорлиги ва қабул қилинган қонунлар ижроси кутилган натижани бермайди.

Шавкат Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида 2017 йил 12 июль куни парламент палаталари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар

кенгашлари фаолиятининг таҳлили ҳамда истиқболдаги вазифаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтганидан хабарингиз бор. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев

иштирок этди ва нутқ сўзлади. Президентимиз ўз нутқида сиёсий партиялар ва депутатларнинг фаолиятини чуқур танқидий таҳлил этиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифларини билдирди. Шу кунларда ушбу маъруза юзасидан кенг жамоатчиликнинг фикри ОАВда берилмоқда. Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлик гуруҳи аъзоларининг фикрлари билан қизиқди.

3

Ҳурриятли муштарийлар,

2017 йил учун «HURRIYAT» газетасига обуна ишлари давом этмоқда. Газетамизга обуна бўлолмаганлар эса унинг савдо дўконларидан харид қилишлари мумкин. Ўқинг, баҳра олинг ва унинг ҳамроҳларингизга ҳам ҳада этинг. Бундан ташқари, «Hurriyat» да чоп этилган материаллар билан www.hurriyat.uz сайти орқали ҳам танишишингиз мумкин.



«HURRIYAT»
ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ
ДОИМИЙ
ҲАМРОҲИНГИЗ
БЎЛИШИГА
ИШОНАМИЗ!

ФАОЛИЯТГА НАЗАР

Эл нетиб топгай бизниким...



Эл нетиб топкай мениким, мен ўзимни топмасам, деб ёзганда, деб ёзганда Мир Алишер Навоий ҳазратлари ҳар бир инсон аввало ўзига яхшилаб боқмоғи, ўзлигини англамоғи зарурлигини таъкидлаганлар.

Журналист халқи шундайки, у атрофга ҳеч қачон шунчаки назар ташламайди, бирор камчилик-нуқсонни кўрса, ҳалисда айтилганидек, «ҳеч бўлмаса тили билан» бартараф этгиси келади. Тили билан айтмоққа журъати етмаганларнинг дилида шу гап йўқлигига ишонини қийин. Ахир, журналистика факультетларида жамиятта, атроф-жавонибга лоқайдлик билан қарашни ўргатишмайди, унинг вазифаси ижтимоий фаоллик, фаол фуқаролик позициясида туриш ва эл-юрт манфаатини ҳамisha ҳимоя қилиш экани уқтирилади. Кимдир иш фаолиятида ўз вазифасини, касб бурчини унутган ёхуд бунга чала-ярим амал қилаётган бўлса, бунга муайян сабаб-

лар бўлади. Ё унинг ўзи «оч қорним — тинч қулоғим» қабилида маънавий дангасалик-турғунлик ҳас-талигига чалинган, интилиши (рус тилида «толк» дейишадими?) йўқ, ёки унда шунчаки кўзи ўрганиб қолган нуқсонларга бепарво қараш кўникмаси шаклланиб қолган... «Кириш»имиз чўзилиб кетгани учун сиз, муҳтарам ўқувчидан уэр сураган ҳолда айтмоқчимизки, бугун жамиятимизда ҳукм сураётган очиқлик, эркин фикрлик, ҳар бир масалага таҳлилий, керак бўлса, дўстона танқидий ёндашув муҳитида биз, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам фаолиятимизга ана шундай руҳда ёндашмоғимизни даврнинг ўзи тақозо этаётир.

4

МАЪНАВИЯТ – КУДРАТЛИ КУРОЛИМИЗ

Самарқанд вилояти шаҳар ва қишлоқларида Ватанимиз мустақиллигининг 26-йиллиги олдидан “Фидойинг бўлғайми сени, Ўзбекистон!” шиори остида маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Президентимизнинг шу йил 27 июнда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йилгирма олти йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида ташкил этилган учрашуларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар ижодий уюшмаси, Бадий академия аъзолари, олимлар ва маънавият тарғиботчилари қатнашди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси М.Аҳмедов, А.Суюн, Х.Бобомуродова, С.Унар, Ф.Товшев, Н.Жонузоқ, З.Муминова, Ойдиннисо ва бошқалар Пастдаргом, Пайарик, Тайлоқ ва Ургут туманларида бўлиб, мустақиллик улуғ неъмат экани, истиқлол туфайли халқимизнинг онгу тафаккури юксалиб, ҳаётга, меҳнатга муносабати тубдан ўзгариши, аҳоли турмуш фаровонлиги йил сайин ошиб бораётгани ҳақида ҳаётий мисоллар билан сўзлаб берди.

Ургут туманидаги 31-болалар музика ва санъат мактабидан ўтказилган шундай тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси С.Ҳасимов, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори М.Ҳазраткулов, таниқли адиблар А.Дилмуродов, А.Қўчимов ва бошқалар мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили муносабати билан амалга оширилган кенг қўламли ишлар шаҳар ва қишлоқларимизни обод қилиш, халқимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилаётганини таъкидлади. Бу улкан ўзгариш ва янгиликни жа-

раёнлари туман мисолида таҳлил этилди. Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги фармони асосида ташкил этилган Ургут эркин иқтисодий зонасида бугунги кунда ўнлаб янги лойиҳалар асосида ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилмоқда. Тоғ ҳудудларида интенсив технологиялар асосида янги ёнғоқзор ва тоқзорлар яратилди. Туман қишлоқларида аҳоли учун янгиликан лойиҳалар асосида юздан ортиқ арзон уй-жойлар қурилмоқда.

— Туманимиз марказидаги истироҳат боғи бугун Ургутнинг энг қўрқам маканларидан бири сифатида доим одамлар билан гажвум, — дейди меҳнат фахрийси Ж.Мамамаинов. — Боғ ҳудудидаги амфитеатр, музика мактаби, сузиш ҳавзаси ва спорт мажмуасига ҳамоҳанг равишда “Нуронийлар маскани” бунёд этилмоқда. Буларнинг барчаси мустақиллик шарафати, халқимиз турмуш даражасини оширишга қаратилган ишлар самарасидир. Бугун элимиз ардоғидаги шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, олимлар билан учрашув ҳам барчамизда катта таассурот қолдириди.

Учрашувда ургутлик ёшлар ўз иход намуналаридан ўқиб, устоз адибларнинг маслаҳат ва тавсияларини олдилар. Таъкидлар доирасида Самарқанд шаҳрида “Самарқанд адиблари” китоби тақдими ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси аъзолари, рағбатсир усталари ва ёш иходкорларнинг расмлар кўргазмаси, таниқли шоирлар иштирокида мушоира ўтказилди.

Ғ.ҲАСАНОВ, УЗА МУХБИРИ



БҒҒДОЙ ЮЗЛИ, СЎЗЛИ ОДАМЛАР

Бехисоб шукр, Ватанимиз тупроғини Яратганнинг ўзи азиз ва баракали қилиб қўйибди. Давлатимиз кейинги йилларида том маънода галла мустақиллигига эришди. Эътибор беринг, юртимиз дехқонлари:

1994 йилда 2 миллион 467 минг тонна галла етиштирган бўлсалар, 1998 йилга келиб бу кўрсаткич 4 миллион 148 минг тоннани ташкил этди.

2006 йилда 6 миллион 639 минг, 2010 йилда 6 миллион 952 минг, 2015 йилда 7 миллион 500 минг тонналик марра забт этилди.

Фарғона тумани галлакорлари ҳам бу йил давлатимиз омборларига 25 минг 800 тонна дон сотиб, шартнома режасини шараф билан бажарди.

“ҲАЗРАТИ ХУВАЙДО” ФЕРМЕРЛАРИ

Улуғ шоир Хўжамажон Хўвайдо ҳазратлари Чимён қишлоғида кўп йил яшаган, иқид қилган, хоклари ҳам шу масканда. Бу қишлоқда яшаётганларнинг кўпи шоиртабаат. Айниқса, Хўвайдо ҳазратларига ҳурматлари баланд.

— Хўвайдо булоқларидан ҳар кун юз-кўзимизни ювганимиз, тўғиб-тўғиб ичганимиз боисидир тўғиб-тўғиб ичганимиз, — дейди “Чимён Қуйи Арча” фермер хўжалиги раҳбари Валижон Мамадиев. — Шоир шеър устозларини ўқиб, ёдлаб улғайганимиз. Битта ўқиб берайми?

Хўвайдонинг мазорида, Бориб ёрни томоша қил. Уиндир лолаю ҳасрат, Хазон бўлмас баҳорим бор.

— Ҳамма нарсанинг жуфти яхши, — дея лутф қилади “Ҳазрати Хўвайдо” ММТП раҳбари Мамадижон Низоомов. — Яна эшгтайлик, мавлоно!

Валижон ака бир қўлига кўзойнак, бир қўлига дўпчисини олади-да, қироат билан ўқий бошлади:

...Муҳаббатдан муҳаббат бўлар пайдо, Муҳаббатсиз кишидан қоч, Хўвайдо.

— Қирқ тонна дон сотиб, режани бажардик, — дейди фермер В.Мамадиев. — Ҳали йилгирма гектар “Гром” навли уруғлик донимиз бор. Камида 100 тонна топишмоқчиман.

“Озод Саид Карни” номи фермер хўжалигини Саид Қаҳқоров бошқаради. 6,5 гектар ерда бугдой етиштирган хўжалик режани бажарди. Ҳар бир кунни меҳнат завқи, сурури билан қарши оладиган бу фермернинг табияти ўзига хос: озги тинмайди: гапиргани-гапирган, бировга гап бермайди, ўзиникини маълум қилгани-қилган. Қайсар, лекин бировга зини тегмайди. У билан сўхбатлашган одам зерикмайди. Писмик, зерикари, ланж кимсалдан кўра, далил-ғулли, ўзиники маълум деб турса ҳам, кўнглида кири йўқ, болалардек беғу-

бор бундай инсонларни кўпроқ ҳурмат қиласан, киши Фермер ишчиси Қодир ака тилло одам. У аёли билан 12 гектар пахта, 4 гектар боғ, 3 гектар такрорий экинни сугориб, парваришлаб келишгапти. Ошқоқоқ, ловия, мош ҳосили мўл.

Аъзамжон Юсупов “Олтин тола барак” фермер хўжалиги раҳбари. Жонқуяр, филойи инсон. Угли Дилшод, Беҳзод, келинлари, қизлари, неваралари билан далада қуймаланади. Хотини Лолаҳон 27 йилдан буён дала шийпонидо ҳаёт кечириб келади. Сабру тоқатли, меҳнатсевар бу аёл бардошга, тўққан пешона терига дашт ерлар таъзим қилади.

— Чимёндаги ўз гектарлик майдондан 75 центнердан дон ҳосилини олдик, — дейди фермер А.Юсупов. — Ўзига беҳисоб шукр, бу йил бугдойнинг, пахтанинг, деҳқонларнинг йили бўлди. 178 килограмм пилла ҳам тайёрланди. Баҳорда ерлар четига 6 минг туп тут қўчати экдик.

Абдурашул Аҳмедов эса “Чимён бўстони” фермер хўжалиги бошлиғи. Унинг ерлари Чимён қишлоғининг бир чеккасида “Қизил” деган жойда.

Ишбилармон фермернинг сой бўйида одам қулочи етмайди минг туп тераги бор. Юз туп “Йўлчи” навли уруғи борки, ундан тайёрланган баргак(туршак)лар ҳажми одамнинг қулонида катта. Икки-учта сини нонга қўшиб еволсангиз, кун бўйи очқамасиз.

21 гектар бугдойдан 80 тонна ҳосил топириб, режани бажарган илгорларга 5 гектар бугдой қолди. 25-30 тонна дон аъзор иштирида қоляпти. Меҳнат қилдингми, қандингми ур-да!

“Барокат” фермер хўжалиги ўз номи билан барокатли. Зайлоб Фозилонинг ишлари “беш”. 102 тонна донни топириб, режани бажарди. Қолган 5 гектарни ўриб олган, 30-40 тонна бугдойни аъзорларига тарқатади. Такрорий экинга ер тақсимлаб берди.

Ҳа, 295 гектар майдондан 803 тонна дон олиб, сотиш режа-



сани туманда биринчилар қаторида бажарган “Ҳазрати Хўвайдо” ММТП фермерларининг юзи ёруғ, кўнглилари чароғон. Бу — меҳнатдан!

ЗАФАРЛАРГА КЎМИЛИШ ЯША, ЗАФАРЖОН!

Шукур ака табелчи, бригадир, колхоз раиси ҳам бўлди, сўнг фермер... Сатторбод даштида янги ер очган, боғ яратган, галла, пахта етиштиришда донг таратган Шукур Ҳановни ҳам қишлоқлари яхши эслашади. Афсус, умри қисқа экан...

Зафаржон етти ёшдан отаси билан бирга юришини, айниқса, далада машғул бўлишни одат қилган. Дала ишларига ёшлигидан қизиқиб қолган.

Мана, йилгирма йилдирки, фермер: отасининг излари қолган қадрдон далада, у яратган богорларга меҳри пайваста, меҳнат завқи билан ишайди. Дашт қўйнида, тош-шағалли ерларда пахта, галла, мева-чева етиштирилади.

— Зафарми, отасига раҳмат, фермерман, бошлиқман, демайди. 12 нафар аъзо бўлсак, ҳар биримиз билан тенг меҳнат қилади, тинмайди.

— Танти йигит. Фақат ўзим бўлай демайди, ҳосил орғиб қолдим, аъзоларга тақсимлайди, охирида ўзи олади.

Фермер хўжалиги дала шийпонидо дам олаётган аъзор тилидан чиққан гаплар ана шундай.

...Ўтган йилнинг сентябрь ойи бошлари эди. Пахта теримига энди-энди киришилаётган маҳал. Фарғона туман зали фермерлар, раҳбарлар билан тўла. Туман ҳокими Солиқжон Имомалиев “Чимён — Қорасув” ММТПга қарашли “Чимён Шукржон фойзи” фермер хўжалиги аъзоларининг пахта тайёрлаш шартномасини бажарганликлари ҳақида галлаба рапортини ўқиб бергани, зални гулдурдос қарсақ тутиб кетди. Ҳоким “Артел” телевизорини Зафаржонга совага қилди.

Бундай зафар ҳар йили антананага айланиб қолган. Фермер

хўжалиги аъзолари 2017 йилда ҳам туманда биринчилар қаторида дон сотиш режасини бажариб қўйишиди. 34,6 гектар дашт ерининг 25 гектари ўрилгандаёқ 85 тонна дон сотилиб, режа бажарилди.

Шунда Шукржон Тўйчиев бошлиқ 17-отряд ўрмини бас қилиб, навбатдаги фермерга ўтиб кетиши керак эди. Фермер Зафаржон эса уларни тўхтати:

— Галла ўринлар, тўхтатманглар, яна 15 тонна дон сотамиз, 100 тоннадан ошириб қўяйлик.

Фермер Зафаржон Ҳановнинг қувончи чекмаски, бу Сатторбод даштларидек чексиз, беғубор. Хўжалиқнинг ҳар бир аъзоси меҳнатдан, ҳаётдан рози. Ҳолбуки, ҳар бир аъзо 1-1,5 тоннадан дон olsa, рўзгорига йил бўйи етади. 5-10 бошлар чорчасини боқиб оласа... Айниқса, бугдойдан бўшланган майдонларга қарам, помидор, қартошка, сабзи, мош, ловия, кунгабоқар экилаётган бўлса...

Баҳодиржон, Ҳамдамбой, Шукржон, Ҳасанбой, Раҳимжон, Мадамжон, Бахтиёржон, Шоҳидохон, Робийжон, Ҳўтамжон, Гўзалхон, Барноҳон, Нигораҳон, Фотимаҳон каби аъзолар сўхбатидо бўлсангиз, улар аскияси, ҳазилларини эшитсангиз, Сатторбод даштларидан кетгиниз келмай қолади. Ишонинг, дастурхонларидо ўзлари пиширган, яратган мевалар, ўрик, олма, шафтоли, гилос, қовун-тарвуз, сутқаймоқ... Дала қозонига фақат гўшт олишаркан.

ХОН ҚИЗИ ЮРГАН ДАЛАЛАР

Хонқиз тупроғини босишининг билан табаррук инсонлар, деҳқончилик миришкорлари, уста пахтакорлар Рузимат бобо Раҳимов, Шокиржон Исроиловларни эсламасдан илож йўқ. Туманда биринчи ҳоким бўлган Шокиржон Исроилов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Рузимат бобо Раҳимовни хонқизликлар, тумандошлар фахр, гурур билан

эслашади. Муҳаммаджума Сулаймонов ҳам уларнинг шоғирли.

Муҳаммаджума Сулаймонов 21 йилдан буён фермер. Хўжалик номи “Улуғ — Умид”. Катта, барқарор, бақувват фермернинг 56 гектар бугдойи, 47 гектар пахтаи бор. Галла ўрими авж палласида дала шийпонига туман ҳокими Солиқжон Имомалиев келиб қолди. Ҳоким машинадан тушиб салом-алик қилди-да, муддаога кўчди:

— Қанча бўлди бугун?
— 52 тонна кетди, 13 та бункер... — 19-отряд бошлиғи ўринбосари Анваржон дафтларини варақлаб, ҳозиржавоблик қилди.

— Бугун “60”, “70” тонна қиласизларми?
— “80”ни ортда қолдирамиз, — дея Анваржон ҳам бўш келмади.

— Ўзи туманда ҳар кун энг кўп тоннани шу отряд қилипти, — дея сўхбатга қўшилди туман ИИБ бошлиғи Рустамжон Аҳмедов.

Туман раҳбарлари тушлиқни шу фермер хўжалиги ҳамда 19-отряд аъзолари билан бирга қилишди. Аския, ҳазил-мўтоғибалар билан ош ейилди. Даврага “Агрошарксервис” вилоят ташкилоти Чимён бўлими раҳбари Рустамжон Акрамов ҳам келиб қўшилди.

— Шоҳимардонбоддаги комбайн ҳам ишга тушди, ҳозир йилгирмата комбайн тулик ишлапти, — дея у ҳокимга ахборот берди.

Сувчилар Раҳматжон Қодиров, Қўблжон Қосимов, Шокиржон Эргашев, механизаторлар Солиқжон Турдиқов, Нуриддин Мамадилқов, Худойберди Алиев — шу олти нафар аъзо 103 гектар ердаги экинга парвона. Сугоришга, қултивация қилишга, ўғит солишга улгуришга, тинишмайди. Механизатор Нуриддин Мамадилқов бир кунда 16 гектар гўзага ўғит солибди. Биров ишонмайди бунга.

Ишлайман дегана гап йўқ экан. — 1967 йилда шу дала шийпонидо туғилган эканман, — дейди ОВХ пурақачи механизатори Ихтиёржон Тожиқулов. — Шундан буён даладаман. Бу йилги мавсумда зараркунанда ва ҳаётотларга қарши уч марта ИСО септим, ғўзани баргидан озиклантириш учун тўрт марта суспензия септим. Мана, ғўза соғлом ўсапти...

Хонқиз қир-адирилари худди қозонга ўхшайди. Ҳар бир ер катта асфалтдан бемалол кўриниб туради. Бир маҳаллар хон қизлари юрган йўллардан, ерлардан бугун фақат баракка-хайр яратилгипти. Ана шу инсонлар уйлари донга тўлсин, бошлари тўйдан чиқмасин.

Собир ДАДАХЎЖАЕВ

Оламшумул ишларга даъват

«Бошланғичи 1-бедта»

Халқимизда “Кенгашли тўй тарқамас” деган пурмаъно нақл бор. Байрамга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссияси тузилган, нуфузли комиссия таркибидо давлат ва нодавлат ташкилотлар нақилларидан тортиб, салоҳиятли ташкилотчилар, иқтидорли ижодкорлар жам бўлгани, насиб этса, анжуманининг юксак савияда ўтишидан далолат.

Мамлакатимизнинг ҳар бир вилоят, шаҳар ва туманлари ҳокимларининг, шунингдек, соҳа, тармоқ, бошқарма, бўлимларнинг мазкур қарор ижроси доирасида қабул қилган меъририй ҳужжатлари Президент қарори ижроси йўлидаги дастлабки қадамларидир.

Хусусан, Наманган вилояти ҳокимининг мазкур масалада қабул қилган қарорига кўра ушбу байрамни юксак даражада ўтказишга масъуллар қатори оммавий ахборот воситаларига ҳам катта вазифалар юклатилди. Айниқса, вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси ҳамда унинг тасарруфидоги корхона, ташкилот, муассасалар, хусусан, вилоят оммавий ахборот воситалари маданият бошқармаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Бадий академияси “Тасвирий ойна” уюшмаси вилоят бўлимлари ва бошқа тегишли ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда “Энг улуғ, энг азиз”, “Сени қўлайимиз, замондош”, “Ранглар жилосида — она диёр”, “Ватан учун яшайлик!” каби анъанавий кўрик-танловларни юқори даражада ўтказишга айнан масъул эканлиги кўрсатиб қўйилган. Шундан келиб чиқиб, биз бу борада тайёргарлик ишларини бошлаб юбордик.

Мутасаддилар келишиб олдикки, мазкур кўрик-танловлардаги асосий мезон давлатимиз раҳбари хамиша долзарб қилиб қўяётган адолат, ҳаққонийлик ва холислик бўлиши шак-шубҳасиздир.

Қарорда хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чукчу ўйланган, узаро манфаатли ва амалий рўхдаги ташкил сибсат юришти орқали давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, қўшнларимиз билан рақобат қилиш эмас, балки ҳамкорлик қилиш, минтақамиздаги муаммоларни биргаликда ҳал этиш тамойили илгари сурилган.

Мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашулар, оқиқ мулоқот ва сўхбатлар, адабий-бадий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, зиёлилар ва санъаткорлардан иборат ташкил этилган маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари аниқ режа асосида фаоллаштирилиб олиб боришга таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратаймиз. Мамлакатимиз пойтахтида кўзда тутилётганидек, байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарийнавис ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, сахна расмчилари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳларни кенг жалб этиш диққат-эътиборимиз марказида бўлади, албатта.

Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда истиқлолни тараннум этишга қаратилган энг яхши кўшиқ ва музика асарларини учун “Ягонасан, муқаддас Ватан!” республика танловининг вилоят босқичини юқори савияда ўтказиб, унда ғолиб чиққан асарларни республика босқичига тавсия этамиз.

Зиёвуддин МАНСУРОВ, Наманган вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи, Байрамга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича вилоят комиссияси аъзоси

ТЎҚИМАЧИЛИК

Бизнинг шоҳисўзанау миллий либосларимизга хорижликлар азалдан шайдо. Шунинг учун ҳам бу қимматбаҳо буюмларни чет элга рухсатсиз чиқариш, сотиш қонунда қатъий тақиқланган. Бунинг ўз сирлари бор, албатта. Кашталаримизга солинган гулларда рамзийлик ифодаланган. Хусусан, Қуръони карим оятлари, ҳадиси шариф ҳикматлари битилган. Момоларимизнинг чеварлиги, назокат фасоҳатда тенгсизлигига қойил қоласиз. Кашта ёки либосларимизга солинган гулларда но-зик қалб оҳанглари, тафаккур жилolari, нақшн ранглар мужас-самки, бир-бирини инкор этмайди.

Тўқимачилик ва тикувчилик санoати бугун пайдо бўлган эмас. Кишилик жамияти юз кўрсатнадан бери инсон ўз гўзаллигини либосларда, яшаш тарзини гил-ламлару каштачилик борасида намойиш этиб келаетир. Олдий ўрмак орқали шолчау жилкур, турфа туслаги наматлар тўқилишининг гўвоҳимиз. Бугун эса тўқимачилик санoати том маънода ривожланди. Янги технологиялар бу соҳани тўлиқ қамраб олди.

Қарши шаҳридаги “Санам” масъулияти чекланган жамияти вилоятда енгил санoат ривожига катта ҳисса қўшиб келаетган тикувчилик корхоналаридан биридир. Маълумки, собиқ Қарши тикувчилик фабрикаси негизида ташкил этилган бу корхона фаолиятига етмиш йилдан ошди. Мустақиллик йиллари “Санам” тикувчилик фабрикаси тўлиқ янги технологиялар билан жиҳозланди. Корхона бугунги кунда ўз харидорларига сифатли тикувчилик маҳсулотларини, мураккаб дизайнерлик коллекциялари либосларидан тор-

тиб корпоратив услубни шакллантириш учун бошқа ҳар хил турдаги кийимларни тикиш билан боғлиқ хизматлар мажмуасини жорий этмоқда. Албатта, индивидуал буюртмалар бўйича моделлар яратиш имконияти, энгилуванч” чегирмалар тизими, яъни юқори сифатли маҳсулотлар тайёрлаш, хизматларнинг тез-корлигини таъминлаш фабрика тараққиётининг энг муҳим омилларидандир. Кўп йиллик тарихий тажриба ва малакага эга чеварларнинг хизматидан фойдаланиш, нафақат ёшларда кўнкуллар ҳосил қилиш, шу билан бирга буюртмалар ҳажмининг йириклигига қарамай маҳсулотларни тикиш жараёнида ҳар бир оқда юқори сифатни таъминлашга сабаб бўлаётир. Корхонада ҳар хил мураккабликдаги тикув маҳсулотларини тез ва сифатли ишлаб чиқаришда янги технологияларга таянилмақда.

Шу ўринда бироз чексини қилсак. Қашқадарё вилоятида тикувчилик санoатининг шаклланиши тарихи узок. Дастлаб Қаршида 1927 йили “Учкун” артели ташкил этилиб, кейинчалик кенгайтирилди. Юздан ортиқ ишчи-хизматчилар бу даргоҳда меҳнат қилишади. Бўлажақ артелнинг бирдан-бир таянчи шаҳар ҳудудидо узок йиллардан буён фаолият кўрсатиб келаетган ҳунармандлар эди. Улар ўз уйларида қўйбола дасттоҳларда бўз, алача, оддий атлас, беқасам ва бошқа матоларни ота-боболаридан қолган усулларда тўқиб, шундан рўзгор тебратганлар. Артел тузиш гоёяси ва ташаббуси Бузрукобод маҳалласида яшagan Хурсандой Халиловадан чиққан. Бу уddaбурон аёл шаҳарнинг тарқок қосибларини жиplsлаштириб, умумий артел таркибидо жамлаган. Артелга Бухоро, Самарқанд, Андижон каби ҳунармандчилик ривожланган шаҳарлардан турли тўқув ва тикув дасттоҳлари олиб келинган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида корхонада деярли иш тўхтайдди. Энг яхши мутахассислар урушга жўнатилди. Аммо дарҳол корхонага эътибор берилиб, унинг иш ҳажми кенгайиб, хомашёга талаб ошди. Бу ердан фронтга жангчилар учун иссиқ кийимлар, қўлқоплар тикиб-тайёрлашни жўнатилди. Урушдан кейинги йилларда артель фабрикага айланганлиги, янги тикув дасттоҳлари келтирилгач, рақобатбардос маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланган.

ЧЕВАРЛИК

уюшмаси ташкил этилди. Уюшмага Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Саъдулла Бобоқулов раҳбар бўлди. Уюшма таркибидо “Санам”, “Тикувчи санамлар”, “Чевар тикувчилар”, “Lekala Furnitura Komfort” масъулияти чекланган жамиятлари ҳамда “Лола Жаҳон маликаси” ва “Қамаши ХБК” ишлаб чиқариш корхонаси тузилди. Бу корхоналарда енгил санoат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 2 августдаги “2013 — 2016 йилларда Қашқадарё вилоятининг санoат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарорига асосан вилоятда қатор лойиҳалар амалга оширилди. Дастур мувофиқ 2013 йилда 493,5 миллион АҚШ долларлик 236 та лойиҳани амалга ошириш белгиланган эди. Бугунги кунда бу борада улкан ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ишлаб чиқариш жараёнида замонавий технологияларнинг кенг татбиқ қилинаётгани соҳа ривожига муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Юртимизда етиштирилатган пахта ва пилла сингари муҳим хомашё ресурсларининг асосий қисминини шу ернинг ўзидо қайта ишлаб, бир неча турдаги сифатли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконияти кенгаймоқда. Ички истеъмол бозоридо харидортириб бўлган тикувчилик маҳсулотлари ўзининг рақобатбардошлиги туфайли экспортга ҳам чиқарилмақда.

“Қашқадарё енгил санoат” уюшмаси таркибидоги “Тикувчи санамлар” МЧЖда 450 миллион сўмлик истиқболли лойиҳа амалга оширилди. Корхонага Хитой ва Ҳиндистондан “Juti”, “Yamata”, “Typical” ва “Juki” русумли 58 та замонавий тикув машинаси, “Fusing Machine” ва “Аksa” русумли тикув дасттоҳлари, Германияда ишлаб чиқарилган “Brother” русумли тикув ускуналари олиб келиб ўрнатилиши ишчиларнинг самарали ишлашларига қўл келмоқда.

“Lekala Furnitura Komfort” масъулияти чекланган жамияти тикув чехига Россияда ишлаб чиқа-

ПАРЛАМЕНТ ВА СИЁСІЙ ПАРТИЯЛАР ислохотларнинг ташаббускори бўлиши зарур

«Бошланғичи I-бета»

Тўлқин КАРИМОВ, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси:

—Қўшма мажлисда давлатимиз раҳбарининг сиёсий партиялар ва депутатлар ҳамда сенаторлар фаолиятини жуда тўғри танқидий баҳоладилар. Маърузада айтилганидек, барча депутатлар ҳалигача ўзига юклатилган вазифани етарлича тушуниб етмаган. Буни инкор этиб бўлмайди. Ўзининг фаолиятида ҳам бундай камчиликлар мавжуд.

Шунингдек, Президентимиз ижро ҳокимияти идоралари фаолиятини назорат қилишда депутат ва сенаторларнинг ўзининг асосий қўмақчилари эканлигини таъкидлади. Барча даражадаги депутатлар эндиликда нафақат ижро ҳокимияти идораларининг камчилиги ва нуқсонлари ҳақида маълумотлар бериши, балки мавжуд масалаларни ечими бўйича асосли тақлифларни беришлари ва бу тақлифларни ижро ҳокимияти билан биргаликда амалга оширишлари ҳамда назоратини таъминлашлари керак. Бу ўз навбатида ҳар бир сиёсий партия, парламентдаги ҳар бир партия фракциясининг ҳақиқий қиёфаси ва позицияси аниқ намоён бўлишига хизмат қилади.

Президентимиз, ислохотлар жараёнида сиёсий партияларнинг ўрни нима учун сезилмапти? — деб савол қўйдилар. Ҳақиқатда ҳозирги вақтда сиёсий партияларда ишчиллик муҳити етишмаётганини эътироф этиш керак. Партиялар ўз фаолиятларини бугунги кун талабидан келиб чиқиб тубдан қайта қуриши, дастурда белгиланган вазифаларнинг ҳаётга, жамиятга татбиқини, жараёнинг нафақат қузатувчиси балки яратувчиси бўлиши зарурлигини тушуниб етдик. Бу борда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон Либерал демократик партияси қўйиладиган ишларни ташкил этиши мақсадга мувофиқдир.

Биринчидан: Партиянинг ўз сайловолди дастурлари моҳиятини ўз депутатлари ҳамда аҳоли эътиборига етказиши вазифага айланиши керак. Дастур ижроси бўйича янги қабул қилинаётган қонунлар, Президент ва Ҳукумат қарорлари асосида ҳар ойда аниқ чора-тадбир белгилашиб, ҳар бир партия ходимига, депутатларга, партия фаолияти аниқ вазифалар қўйилиши ҳамда ижроси назорат қилиниши зарур. Дастурий вазифалар бажарилиши юзасидан Партия ўз электоратига ҳар ойда ҳисобот бериб бориши, бу жараёнинг партия фаолияти ва электротат вакиллари томонидан мунтазам муҳокамасини йўлга қўйиш шарт. Ижро жараёни ҳамда жамиятнинг, аҳолини ташвишга солаётган ҳар бир масала бўйича партиянинг позицияси ОАВда бериб борилиши зарур.

Иккинчидан: Ўзбекистон Либерал-демократик партияси туман Кенгашлари томонидан қишлоқларда ташкил этиладиган кичик саноат худудлари тўғрисида (жойи, йўналиши, коммуникацияси, молиявий манбаалари ва ижрочилари кўрсатилган) тақлифларни туман ҳокимлигига тақдим этиши.

Учинчидан: Ўзбекистон Либерал-демократик партияси туман Кенгашлари худуддаги фермерлар билан бир-

галликда пахта майдонларини қисқартириб, улар ўрнига даромад келтирадиган ва экспортбоп экинлар экиш бўйича тақлифларни тайёрлаб туман ҳокимлигига тақдим этиш лозим.

Алишер ХАМРАЕВ, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзоси:

—Мамлакатимиз раҳбари ўз маърузасида “Сиёсий партиялар ўз дастурий мақсад ва вазифаларини, мафқуравий соҳадаги ишларини қайта кўриб чиқиб, уларга зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиши, бунда жаҳон тажрибасини ўрганиши, халқаро ҳамкорликни кучайтириш фойдаланиши бўлмайди”, деб таъкидлаб ўтдилар.

Партияларни жамият сиёсий саҳнасидаги сукутасизлигига нима сабаб? Энг аввало, партиялар фаолиятида мафқуравий бўлишнинг пайдо бўлганлиги, жамиятдаги сиёсий ҳокимият бошқарув тизимларига тенг тақсимланмаганлигидир.

Партиялар илгари сурган ғоялар ва сайловолди мақсадлар айнан бир хил сўзлар билан ифода этилган бўлса, моҳият жиҳатдан бир-бирларига жуда ўхшаш. Тўғри, биздаги сиёсий партияларнинг устувор мақсадлари юрт тинчлиги ва тараққиётдир. Аммо бу мақсадларга эришишнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий йўллари ва усуллари наҳотки бир-бирларига шунчалар ўхшаш бўлса? Партияларнинг низоми ва дастурлари ўқиб таҳлил қилинса, бу ҳужжатлар сиёсий партиялар томонидан чуқур таҳлилларга асосланиб ишлаб чиқилганлигига шубҳа уйғонади.

Демак, партиялар сафинга назаритчи, таҳлилча ва амалиёт ижрочилари ниб жалб этишга эътибор берилиши лозим.

Партия фаолияти жамиятда рўй бераётган ўзгаришлар, эълон қилинган ислохотларга ҳозиржавоб бўлиши керак. Партияларнинг ҳаракат дастури назаритчилар томонидан мунтазам янгилашиб турилса партия замонавийлашиб сиёсий фаоллашиб бораверади.

Сиёсий партиялар аъзоларини ғоя ва мақсадлар билан янгилади. Партияда ғоя ва мақсадлар жамиятнинг сиёсий ва бошқа эҳтиёжларидан келиб чиқиб белгиланмаса, ёки уларнинг долзарблиги йўқолса, бундай сиёсий партиянинг мавжудлиги ҳақида сўз юритиб бефойда.

Партия ўз ғояларини ҳаётга тадбиқ этиши учун сиёсий партияларнинг мавжудлигининг бирдан бир кўрсаткичи, мақсад бўлмоғи зарур. Бу конституцияда белгиланган асосларга таянган ҳолда ҳокимиятга эришиш мақсадидир. Ҳокимиятга интилмас экан, бундай сиёсий партия номинатига партия бўлиб қолаверади. Жамиятда партияларнинг ғоя ва мақсадлари ўртасидаги сиёсий курашнинг малани шакли қарор топиши, сиёсий саҳнада соғлом рақобат пайдо бўлишига ва пировард натижада халқ манфаатларини юзага чиқишига ва таъминланишига сабаб бўлади. Президентимизнинг халқ ноиблари ва сиёсий партиялардан қилаётган талаблари жуда ўринли. Айниқса, «Миллий тикланиш» Демократик партиясига доир эътирозлар ҳақлидир. Уйлайманки, партияимиз электорати бундан тўғри хулоса чиқариб, келгусида шунчаки, эмас, халқнинг, давлатнинг сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутадиган қўчга айланади.

Акмал УМАРАЛИЕВ, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси:

—Жорий йилнинг 12 июль кунини Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари ҳамда видеоселектор орқали маҳаллий Кенгаш депутатлари ва сиёсий партияларнинг фаоллари билан танқидий ва таҳлилий, очиқ ҳамда самимий мулоқот ўтказдилар.

Давлатимиз раҳбари нутқида Халқ демократик партияси ўзини пенсионерлар, кам таъминланган аҳоли қатламлари манфаатларининг ҳимоячиси сифатида намоён этиди. Лекин, ҳолисона айтганидан бўлса, партия шу мақсад йўлида ҳақиқатан ҳам амалий иш олиб бораётми?.. Ёки “Муруват”, “Саховат” ва “Меҳрибонлик” уйлари фаолиятини яхшилаш бўйича партия томонидан амалий ҳаракатлар бўлаётми, — дея таъкидладилар.

Мамлакатимизда амалга ошириладиган демократик ислохотларнинг ҳозирги босқичида партияимиз ўзининг вакиллик органлари орқали давлат жамият ривож учун зарур бўлган қонунларни қабул қилиш, қонунларнинг изчил амалга оширилишини таъминлаш, олиб бораётган ислохотларимизни янада чуқурлаштиришда фаол иштирок этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг тақдирини, уларнинг уй-жой билан таъминланиши, жамиятда ўз ўрниларига эга бўлишига доир ҳуқуқий нормалар ижроси жойларда таҳлиллар асосида ўрганиб, улар асосида қонунчиликни янада такомиллаштириш зарур деб ҳисоблайди.

Шунинг билан бирга, партия ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган электротат манфаатларини таъминлашга қаратилган қатор лойиҳалар орқали, ногиронларни махсус қоляскарлар билан таъминлаш, уларнинг турар-жой ва маъмурий биноларга кириб-чиқиши, метро ва автобуслардан бемалол фойдаланиши учун пандуслар ва платформалар қуриш каби масалаларни талаб ва эҳтиёжлари жиҳатидан алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

Бу эса янги раҳбар олиб бориладиган ислохотлар, халқимизнинг, айниқса, партияимиз электротати бўлган аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари манфаатларига ҳар томонлама мос келмаётгани алоҳида эътироф этиш жоиз.

Шунингдек, партия фракцияси томонидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолияти устидан парламент ва депутатлик назоратини самарали амалга ошириш, аҳолидан кўтарилётган муоммоларни ўрганиш ва ҳал қилишда амалий ёрдам бе-

Дарҳақиқат, Юртбошимиз томонидан кўрсатиб ўтилган мазкур масалалардан келиб чиқиб, биз Экоҳаракат депутатлар гуруҳи олдида турган қонунчилик механизмидан янада такомиллаштириш вазифаларини қўйди. Жумладан, ишлаб чиқилаётган қонунларни халқаро амалиёт ва андозаларга мос бўлиши, уларни кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш, парламент назорати бўйича замонавий усуллари жорий этиш ҳамда қонунчилик ижросининг сўзсиз бажарилиши таъминлаш бўйича парламент назоратини ошириш энг муҳим вазифалардир. Ушбу вазифаларни бажариш учун барча депутатлар қатори мен ҳам ўзимнинг интеллектуал салоҳиятим, барча куч-ғайратим ва шижоатимни сарфлашни халқимиз олдидаги бурчим деб ҳисоблайман.

риш, соҳадаги қонунчиликка ўзгаришлар киритиш ва парламент эшитувини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бунда ЎзХДПнинг қабул қилинаётган қонунларга ўз позициясини билдириш, парламентдаги партия фракцияимизнинг ҳақиқий қиёфаси ва позициясини аниқ белгилаш керак.

Мақкур йўналишда қонунлар, давлат дастурларининг тўлиқ ижросини таъминлаш, белгиланган вазифаларни ҳаётга таъбиқ этиш борасидаги ишларда депутатлик ваколатлари доирасида фаол иштирок этишимиз мақсадга мувофиқдир.

Жамшид ПИРМАТОВ, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Парламент фаолиятида оммавий ахборот воситалари орқали чиқиш қилиш ва халқимизни уни фаолияти билан ақиндан таништириш борасида ҳам ёндашувларни ўзгаришимиз керак. Парламент бугунги кунда халқ ишониб, ўз овозини берган вакиллик органи эканлигини ва одамлар онгига бугунги ўзгаришларни инобатга олиб парламентнинг том маънодаги қўзғатувчи, очиқ шаффоф бўлишига айлантиришимиз лозим. Токи ҳар бир сайловчи ўз вакилларини истаган вақтида қузатиш, ишга баҳо бериш, ўз муносабатларини билдириш шу йўл билан том маънода жамоат назоратини амалга ошириш имконига эга бўлсин. Бунинг учун энди сайловчилар билан онлайн режимида мулоқот қилиш, шу билан бирга парламент томонидан қабул қилинаётган қонунларни, қизгин баҳс-мунозаралар, депутатлар ва экспертларни фикрларини онлайн қузатиш имкониятига эга шароит яратиш устидан иш олиб боришимиз керак.

Хайрулло ГАШПОРОВ, Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи аъзоси:

— Муҳтарам Президентимизнинг маърузасида сиёсий партиялар ва Экологик ҳаракатнинг ўтган даврдаги фаолиятини танқидий руҳда таҳлил қилган ҳолда ислохотларни янада чуқурлаштириш, Парламент ривожланишининг янги тарихий босқичи йўлида олдимизда турган муҳим вазифаларга тўхталиб ўтиди.

Шунингдек, юртбошимиз томонидан ҳаётимизнинг барча жаҳаллари қатори экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муаммоларга ва уларнинг ечимларини қайд этишлар. Хусусан, аҳолини, айниқса, қишлоқ жойларда тоза ичимлик суви билан таъминлаш, мансий чиқиндиларни тўплаш, қайта ишлаш ва утилизация қилиш, аҳолининг экологик маданиятини ошириш, ёшларнинг она табиатга меҳр-муҳаббат, унга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш масалаларига тўхталиб ўтилади.

Жобир ХўЖАҚУЛОВ ёзиб олди.

► КУЧ АДОЛАТДА

“Давлат бу — қонунлар жамияти, зеро, одамлар бойлиқни яратиш ҳамда қобилиятда тенг бўлиши мумкин эмас, бироқ қонун олдида барча тенг бўлмоғи лозим”, — деган экан аллома Цицерон. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 13 июнь кунини Тошкент шаҳрида ўтказилган видеоселектор йиғилиши суд органлари тизимида одил судловни амалга ошириш борасидаги ишларнинг аҳоли, муаммолар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланиб, мамлакат ҳаётида навбатдаги улкан амалий аҳамиятга молик воқеа бўлди. Давлатимиз раҳбари сўзлаган нутқи нафақат суд тизими ходимлари, айни пайтда мамлакат миқёсида келгусида ўзини ҳуқуқшунос бўлишга чоғлаётган ёшлар учун ҳам бениҳоя муҳим аҳамият касб этади.

«АДЛУ ИНСОФ БИЛАН ЖАҲОН ГУЛШАНИ ОБОД БЎЛУР»

Бугунги кунда қандай инсон ўзини халқ кутариб адолатли қарорлар қабул қилишга ҳар томонлама қодир ва тайёр, иродаси мустақкам, юксак касб ва маънавий фазилатларга эга бўлган суд ходимлари, деб билади ва бу мезон талабларига қай даражада жавоб бера олади? Ана шундай суд ходимлари тарихинини шақллантириш нима учун бугунги кунининг долзарб масаласига айланди? «Шу маънода ўз соҳасини яхши билмайдиган, пухта касб ва ҳаёт тажрибасига, юксак маънавий-ахлоқий савияга эга бўлмаган юрист кадрлар ҳеч қачон судья лавозимига тайинланмаслиги керак». Бу — Ўзбекистон Президентининг, халқнинг суд ходимлари тизими олдида қўяётган ҳақиқат талаби.

Соҳибқирон Амир Темур “Куч — адолатда” деган мезонга бутун умри мобайнида амал қилган ва уни давлат бошқарувида татбиқ этган. Айтишларинча, мамлакатнинг бу бурчидан у бурчигача бошига бир лаган олтин танга қўйиб йўлга чиққан бола уни бошдан-оёқ пийда кезиб ўтса ҳам, лагандаги олтин тангалар бир донага ҳам қармаймас экан. Йиғилишда бир илдиждан сув ичадиган адолат ва маънавий тушуноқларнинг бир-бирлари билан нечоғлик муштарак эканлиги, маънавий деб аталган мангу завоаб билмас боғ инсон қалби билан, жамият ҳаёти билан пайванд бўлмас экан, бундай жойда ҳеч қачон адолат бўлмаслиги, шунинг учун ҳам судьялар, юрист кадрларни тайёрлаш ва судьялик лавозимига тайинлашда бу масалага алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги ўқтириб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида айнан юқорида таъкидлаб ўтилган маънавий фазилатларнинг етишмаслиги туфайли ушбу тизимдаги йўл қўйилган хато ва камчиликлар хусусида тўхтаб, жумладан, айрим судьялар томонидан қонунга зид ҳаракатлар содир этилаётганлиги, нопоклик, таъмагирлик, одамларнинг дарду ташвишларига лойқаб қараш, адолат мезонларига хилоф равишда қарорлар қабул қилиш ҳолатлари учураб келмаётганини қаттиқ танқид остига олдилар. Судьяликка номзодларни танлаш ва лавозимга тайинлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, юқори малакали судьялар корпусини шақллантириш йўлидаги яна бир амалий ҳаракат судьялар ҳамжамиятининг янги органи — Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг ташкил қилиниши Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар йўлидаги яна бир муҳим қадамдир.

Ҳар қандай улкан тараққиётлар марказида инсон омилли туради. Бугун мамлакат миқёсида олиб бориладиган машаққатли, айни пайтда шарафли ислохотларнинг замирида ҳам халқимиз ҳуқуқ ва манфаатлари устувордир. Бўлиб ўтган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг собиқ раҳбарлари ўта муҳим масалаларга ўз вақтида эътибор қаратмаганлиги босиб ушбу соҳада йиғилиб қолган жиддий камчилик ва муаммолар афсусланарли ҳолат эканлиги. Олий суднинг янги раҳбарлари бундай камчилик ва муаммоларни зудлик билан бартараф этиши таъкидланиб, суд органлари ва судьялар фаолиятини қонун ва адолат талаблари асосида самарали ташкил этиш бўйича зарур чора-тадбирлар қўриш бўйича аниқ вазифалар белгиланди. Вақт бебаҳо неъматдир. Шундай экан, унда нега айрим суд ходимлари ишларни ўз вақтида кўрмасдан, фуқаро-

ларнинг суд идораларида сарсон-саргардон бўлиб, қимматли бойлик — вақтинни кетказишига, руҳан эзилишига сабабчи бўлади? Суд маҳкамалари олдида оворая сарсон қилдилар? Энди бундай суд ходимлари фаолиятига муносиб баҳо берадиган вақт келди. Энди ҳар бир судья аҳоли билан жойларда бир ойда бир марта камда очиқ мулоқотлар ташкил этиши зарур. Судья лавозимига фаолият кўрсатган суд ходимлари ўз фаолияти юзасидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ахборот бериши билан боғлиқ амалиётни йўлга қўйиш вақти келгани ҳам йиғилишда қайд этилди. “Бундан буён судьялар фаолиятига, биринчи навбатда, халқнинг ўзи баҳо беради”, — деди Президент.

Чиндан, халқ баҳоси — ҳақ баҳоси. Бугунги кунда халқимиз қалби ва ҳаётда бўлаётган ўзгаришлар бутун дунё эътирофида сазовор бўлмоқда. Биз маҳалларда, халқ ичида бўлганимизда юртдошларимизнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасига бўлаётган мурожаатларига келаятган жавоблардан қониқиб ва мамнулик ҳис қилаётганлари ҳақида сўз боради. Ушбу мурожаатларнинг бир томони суд идоралари ва судьялар фаолиятига ҳам дахлдор. Гуё халқ қалбига шаффоф, қўёш нурида жилва-ланиб турадиган бир қўзғу тутилди, унда меҳнаткаш халқимизнинг ошанжов юраги бор бўйича қўриниб туради.

Шунингдек, йиғилишда судьяларни касбга тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ихтисослашган ўқув муассасаси — Одил судлов академиясини ташкил этиш тақлифи билдирилиши келгусида ушбу тизим ходимларининг билими, малакаси ва масъулиятини ошириш орқали одил судлов амалиётини тўлиқ таъминлаш имконини яратиш демакдир.

Халқимизда “Оққан дарё оқаради” деган пурҳикмат қароқол бор. Одатда дарё инжуларини ўзи тубига яширади. Шу маънода узок йиллар ҳалол меҳнат қилиб, элу юртининг дуоиси ва ҳурматида сазовор бўлган инсонлар — судьяларнинг ҳаёт йўли, ушбу тизимдаги қимматбаҳо тажрибаларининг кенг омма-лаштириш учун “Судьялар клуби” ва “Суд ҳимоясида” руҳини остида оммавий ахборот воситалари ва газеталарда мунтазам кўрсатув ва туркум мақолаларининг бериб борилиши ҳақидаги амалий тақлиф ҳам халқимиз дилидаги айни музда ва миллий қадриятларимизнинг яна бир гўзал ирмоғидир.

Улуғ соҳибқирон Амир Темур “Темир тузуклари”да “Каерда қонун ҳукмонлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади”, деб ёзган эдилар. Чиндан ҳам, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан бугунги кунда мамлакат миқёсида қизин олдиди борилган кенг қўламли ислохотлар демократик давлат тузиш, “адлу инсоф билан жаҳон гулшанини обод бўлур”и йўлидаги мислсиз фаолиятдир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек: “Асосий мақсадимиз фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш орқали халқимизнинг суд тизимига бўлган ишончини қатъий мустақкамлаш, судни том маънода “Адолат кўрғони”га айлантиришдан иборатдир”.

Зеро, судни “Адолат кўрғони”га айлантириш суд ходимларидан катта масъулият ва фидойиликни талаб қилади.

**Шарифа САЛИМОВА,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган
маданият ходими**

СИНОАТИ



рилган “Подольск” русумли 60 та тикув чеки ускунаси ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги “Иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги фармони қўллаб қорхоналар сингари “Санам” МЧЖнинг ҳам ночор корхонадан иқтисодий жиҳатдан бақувват, барқарор фаолият юрифтаётган корхонага айланишига муҳим омили бўлди. Фармон асосида корхонада кенг қўламли модернизация ишлари амалга оширилди. Хитой, Ҳиндистон, Германия давлатларидан 75 дана тикув ҳамда 3 дана пресслаш дастгоҳлари келтирилиб ўрнатилди. Мавжуд ишлаб чиқариш цехларида ортиқча хомашё ва энергия сарфига чек қўйилди. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар таннархи кескин пасайиб, маҳсулотларнинг сифати яхшиланди.

— 1991 — 1994 йилларда шу фабрикада ишлаганман, — дейди Ўзбекистон савло-саноат палатаси вилоят худудий бошқармаси бошлиғи Саъдулла Бобоқулов. — 2009 йили фабрика банкрот бўлиб, иш ҳақидан 82 миллион сўм, солиқдан 42 миллион

Кўнглида не гапи бор — айтмасди. У уйига юзлари қорайган ҳолда, ҳориб-толиб келарди. Қайлиғига кўзи тушиши билан, беихтиёр жилмаярди. Шунда оппоқ тишлари юзини янада қорайтириб кўрсатарди. Дилда сўз билан таърифлаб бўлмас тўйғу ёнимрай бошларди.

У хотинининг қўлига сув қуйиши-ю, олдида овқатини олиб келиб қўйишидан чой узатишгача, довдила бир-бир қадам ташлаб юриши-ю, уялиқчираб кўз ташлашгача бепарво бўлолмасди. Хотинининг ибод билан қарашини тоғ дилини янада кўтарарди. Шундай оқила, меҳрибон аёлни тақдир унга рўпара қилгани учун Аллоҳга шукроналар айтарди ичиди.

Келинчақ ҳам эрини ҳар кун дарчадан ишга кузатар экан, боққани сари дилда севги қуртаклари гунчалар, салоқат эпкинни эсар, оқибат гуллари барқ уриб яшарди. Ёстиқдошининг қўлларини силкиб-силкиб, катта-катта қадимлар билан юриши завқини келтирарди. Юрагида ҳали ўзини буткул кўрсатиб улгурмаган соҳир ҳислар майсалар мисоли буй чўзарди.

Уруш бошланди. Шу кун Муродилла уйга чуқур уйга чўмган ҳолда қайтди. Аёлининг қўзларига қарай олмайди. Уруш бошлангани учун, бир кун аёлини ёлғиз қолдириб кетишини ўйлар, ўйлагани сари ўзини айбдор санар, юраги, жони, жаҳони алам ёғида жизганак бўларди. Уруш сўзи дилларга ўзининг тим қора доясини солиб улгурганлиги. Улар ҳар-қанча уринишмасин, айрилиқдан қутула олмасликларини билтирарди.

Ниҳоят, таҳлика билан қутилган кун ҳам етиб келди. Муродилласини кўп қатори ҳарбий комиссариятга қабиришти. Охири тунни бирга қаршилашган икки дил бир-бирига розларини айтди. Диллар диллашди, муҳаббат аҳллари изҳор қилинди. Эри кетди. У илк мартаба ўқиб-ўқиб йиғлади. Йиғисига ёлғиз тун гувоҳ бўлди. Болшини кўзёшларини ютоқиб-ютоқиб ичди.

У тонг саҳар кетмонини елкасига қўйиб далага отланди. Унинг ҳижрон яра солган қалбига даласи малҳам бўлди. Унинг гамларига даласи шерик бўлди. Муродилласидан хат келганида қувончга, шодлик кўз ёшларига даласи гувоҳ бўлди. Унинг вақтидан илгари оқарган сочларини, бемаврид тушган ажинларини илк бора даласи кўрди.

Ногоҳон келган «қора хат»даги сўзларга ишонмади. Илк бора кўнгли, тили ҳайқирди унинг: «Йўқ, менинг Муродилла акам ўлмайди!» Бундай бўлиши мумкин эмас!».

У кутиб яшади. Эрининг қайтишига ишониб яшади.

У бутун кескайган, кучдан қолган. Лекин ҳижрон қуюни дилининг туб-губига илдиэ отан Умид дарахтини йиқита олмайди. Айрилиқ қурғига олмайди.

У девордаги аскар сурати — Муродилла акасига, ёнидаги нарисбаси — нонга узоқ тикилиб ўтиради. У билан хаёлан гаплашади. Уни шу сурат, шу нарисба ҳаётта маҳкам чирмаб боғлаб ташлаган. Сўнг кўлидаги уябурчақли хатни қўлига олиб мингинчи марта ҳижжалаб ўқийди. Кўнглида мудраган, илк бора бош кўтарган ҳайқирчиқ қайта уйғонади: «Йўқ, менинг Муродилла акам ўлмайди!».

Ойгул УБАЙДУЛЛА қизи

БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ

— Олий ўқув юртига тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган, II гуруҳ ногирони бўлган талабалар учун таълим кредити бўйича алоҳида имтиёзлар борми?

Косонсой туманидан Ж.Абдуҳакимов

— Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, ёшларга таълим олиши учун кенг имкониятлар яратиш, олий таълим олаётган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Республикаимиз Хукуматининг тегишли қарори билан 2001/2002 ўқув йилидан бошлаб Республикаимиз тижорат банклари томонидан таълим кредитлари бериш жорий қилинган.

Таълим кредитлари тўлов-контракт асосида ўқиш учун Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртига қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, уларнинг ота-оналари ёки васийларига берилади.

Таълим кредитлари, олий таълим муассасаларида ўқиш даври ҳисобга олган ҳолда, бакалавриятга ўқишга қабул қилинган талабаларга 10 йилгача, магистратурага ўқишга қабул қилинган талабаларга 5 йилгача бўлган муддатга берилади.

Шунингдек, тижорат банклари томонидан берилган таълим кредитлари бўйича етимларга, «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланганларга ҳамда болаликдан I ва II гуруҳ ногиронларига — ноль фоиз ставкасида, яъни фоизсиз кредитлар ажратилади. Бу эса ўз навбатида давлат томонидан ёшларни ижтимоий ҳимоя қилишининг бир кўриниши сифатида намоён бўлади.

Савола Бўка тумани 2-сон ДНИ нотариуси Шаҳноза ЕҚУБОВА жавоб берди.

Шукур дейман ҳар тонг, ҳар оқшом

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ЙўЛЛАНМАСИ БИЛАН

Эрта тонгда туриб деразаларни очамиз, атиргуллар бўйи димоғимизга ҳузур бағишлайди. Кекса отаси 98 ёшни қаршилаган кўшнининг ҳовлисидадан беданаларнинг дилхуш сайроғи эшитилади. Кўкчанинг қаймоғи қандолатчиларнинг новвоти, иссиқ патириллар, ўзбек даласининг ноз-неъматларига қараб кўзинг тўяди. Ҳар бир хонадондан Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган «пўлат от»лар манзил сари — ишга, ўқишга, спорт саройига, мусика мактабига, беллашувлар ўтадиган манзилларга йўл олади. Эл-юрт ишига ҳисса қўшай, турмушимни янада фаровон этай деган эзгу ниятли инсон борки, бари аниқ мақсадлар сари элтувчи масканларга интилади.



эди, кийгани чопон эди. Нимжон бўлса-да, камқон бўлса-да, бола туғавериши керак бўлган, жони борлиги унутилган темир эди. У даладами, уйладами, аравадами, юк машинасида туғавериши керак эди. Қон кетишиданми, нафас етишмаслигиданми, қон босимиданми, жигар эзилишиданми, ўпка силлиданми, оддий кўричакданми, ўлиб кетавериши керак эди, қиррилиб кетавериши керак эди.

Ҳа, ўлиб-тирилган одам ўлмайди, дейдилар. Ўзбек аёли неча бор ўлиб-тирилди. Ўзбек аёли энди АЕЛ бўлди. Эрка қиз, эъзозли келин, меҳрибон она, ҳурматли раҳбар, азиз опа-сингил, муҳтарам устоз, табаррук буви, обрўли талбиркор, донгдор фермер хоним, ақли расо олима, жонга-жон шифокор, шеърлари эл тилида шoir, ардоқли ёзувчи, «Олтин қалам» соҳиби — журналист бўлди. Мустақил юртимиз хотин-қизлари орасидан 514 нафар дан доктори, 6 нафар академик, 15 нафар Ўзбекистон Қаҳрамони, 17 нафар сенатор, 15 нафар Қонунчилик палатаси депутаты етишиб чиқди. Уялаб опасингилларимиз «Ўзбекистон фан арбоби», «Ўзбекистон халқ шoirи», «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси», «Ўзбекистон халқ артисти» унвонларига, 255 нафари Зулфия номидаги давлат мукофоти лойиҳа кўрилди.

Муҳтарам Президентимизнинг 2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида иш бошланган Виртуал қабулхонаси, туман ва шаҳарларда халқимиз қалбига қўлга тутайтган Халқ қабулхоналарининг асосий мақсади олижаноб юртдошларимиз муаммоларини ешитиш ва жойида ҳал қилишдир. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 16 март кунин имзолаган «Шошилинч тиббий ёрдамни янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижроси таъминланаётганига Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан вилоятларимизга борганимида, чекка туманларда ҳам гувоҳи бўлдим. Самарқанд вилояти Пахтачи туманига ташрифи-мизда шу ерлик ёши юздан ошган Норой момо Очилованинг хонадонига кирдик. «Мана, замонанинг эрка мосмоси бўлиб ўтирибман. Сал тобим қочса, бирпасда «Тез ёрдам» етиб келадим, айланай. Давлатим нафақамни уйга опкеб беради. Дори-дармон теккин, витаминлар теккин, санаторий теккин. Бу туришда 200 ёшга кираман, ўргилди», — дейди момо. Ҳақиқатдан, Навоий вилояти Топдла туманининг энг чекка овули Эски Топдла ҳам чўпон оилаларига хизмат қилами, ётган замонавий жиҳозланган «Тез ёрдам» машиналарини кўриб хурсанд бўлдим. Республикаимиз вилоятлари ва Қорақалпоғистонда 800 дан ортиқ қишлоқ врачлик пунктнинг замонавий поликлиникаларга айлантаётганини кўриб кўнглим қувончга тўлди. Ҳа, Қорақалпоғистон Республикасида Тошкент педиатрия тиббий институтининг Нукус филиалида кўп тармоқли болалар клиникаси қурилиши жадал кетмоқда. Хоразмда эса Россиянинг А.Бақуев номидаги машҳур клиникаси билан ҳамкорликда юрак-қон томир жарроҳлиги тиббий маркази қурилиши ниҳоясига етай деб қолибди. Термизда Республика урология, Қўз микрохирургияси ҳамда Гинекология ва акушерлик илми-амалий марказларининг филиаллари, Қашқадарёда Республика кардиология ва Эндокринология марказларининг филиаллари қурилиши поёнига етайтгани шохиди бўлди.

Замонавий жиҳозланган тугруқ комплекслари, аёллар маслаҳатхоналари, перинатал марказлари, скрининг марказларининг барчасида «Соғлом она ва соғлом бола» гоёси халқимиз генофондини яхшилашга қаратилган. Бир неча йилдики, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди анъанавий тарзда «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда юртимизнинг энг чекка жойларига «Саломатлик» поездини юбормоқда. Бу поездда малакали мутахассис шифокорлар жойларига «Амбуланс» тиббий-ижтимоий патронаж бригадалари билан бирга фуқароларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказмоқда.

Президентимизнинг «Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз» деб номланган асарини шoir қилиб олган, юртимизнинг таниқли фан, адабиёт ва санъат намояндалари, истеъодли ёшларидан иборат

тарғибот ва ташвиқот гуруҳи билан Самарқанд вилоятида бўлди. Гуруҳимизда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисини, халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, халқ артистлари — Ражаб Адашев, Мирза Азизов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Сардор Раҳимхон билан бирга мен туғилган Нарпай тумани, Хўжақўрғон МФЙга қарашли Янгисарой қишлоғидаги 9-мактабимиз вилоятлари ва Қорақалпоғистонда 800 дан ортиқ қишлоқ врачлик пунктнинг замонавий поликлиникаларга айлантаётганини кўриб кўнглим қувончга тўлди. Ҳа, Қорақалпоғистон Республикасида Тошкент педиатрия тиббий институтининг Нукус филиалида кўп тармоқли болалар клиникаси қурилиши жадал кетмоқда. Хоразмда эса Россиянинг А.Бақуев номидаги машҳур клиникаси билан ҳамкорликда юрак-қон томир жарроҳлиги тиббий маркази қурилиши ниҳоясига етай деб қолибди. Термизда Республика урология, Қўз микрохирургияси ҳамда Гинекология ва акушерлик илми-амалий марказларининг филиаллари, Қашқадарёда Республика кардиология ва Эндокринология марказларининг филиаллари қурилиши поёнига етайтгани шохиди бўлди.

Ташвиқот гуруҳимиз чиққан микроавтобус ойнасида елкасига офтоб теккан қишлоғимизнинг бир-биридан чиройли ҳовлиларини, улар олдида гулларга сув қуюётган келинларнинг кўриб завққа тўламан. Дарвозалар ёнида қурсиларга ўтириб бир-бири билан суҳбат қураётган кексаларни кўриб, устоз Муҳаммад Али ҳайдовчи йиғитга, автобусни тўхтагани, дейдилар. Бир пасда яна йигирмадан ортиқ ота-она тўпчилишиди. Ана энди, ҳақиқий самимиёт давраси бошланади. Қувноқ аскиялари бутун қишлоққа эшитилган давра юртинги, Юртбошининг ҳақиқат дуолар билан яқуланади.

Атрофимга қарайман. Атрофда бахт ифори, қишлоқларимда эъзозли оналар, саодатли бирга фуқароларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказмоқда. Президентимизнинг «Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз» деб номланган асарини шoir қилиб олган, юртимизнинг таниқли фан, адабиёт ва санъат намояндалари, истеъодли ёшларидан иборат

Зулфия МҲМИНОВА

САНЖАРБЕК ИЛА ОЙПОПУК

Холи хонада дам чой хўлаб, дам чўт қоқиб ўтирган Санжарбек бирдан ловчулади:

— Эх, бугунги савдога жин тегди, ўртача даромаднинг ақали ярми ҳам эмас-а, атиги 400 доллар-а, эх! Эх!

Қўлидан учган зарҳал гулли тигла сервантдаги чинни кўзата тегди ва чил-чил бўлди. Ҳовли сўпураётган Ойпопуқ югуриб келди-ю, зайкадек қотди. Бир нафас жимликдан сўнг эрига мўтайиб хўрсинди:

— Нима бўлди? — Нима бўларди, иш юришмади, ҳамён ҳар кун гоммиш елинидек тирсилларди. Бугунчи, эх, сен сингари ориқ, ҳа, ориқ!

Ойпопуқ жимгина тисарилди. Ҳовлига тушаркан, қалбидан қуйидаги сатрлар кўз ёшидек силқиди: — Демиллар, очкўзлик қилаларди халок, тўймас кўзларинииз тўлганда ҳам хок.

РЕЗГИ

Ўзини чиқиндилар орасида кўрган Резги силкинди нолиб:

— Мен, ахир, чарман, бақуват чарман. Ҳа, катта буза терисидан ошланган чарман. Қайси фаҳми ўвада менга қайси кўзда қарамини; менгинани, арзимас, деб санамини. Э, ўшанга бир замбил шалтоғ! Мен, ҳа, мен

Масаллар

қаторда борларданман, салмоқдорларданман.

Ким қанча майладир, ўзини алвар, Мислар аташгадек ўзларини зар.

ДОВДИР

— Тўйда кўримдини-а? — А, қанақа тўй? — Во, ахир, қиз узатдим-ку, элга ош бердим-ку?

— Хабарим бўлмади. Айтилган жойдан қолма, айтилмаган жойга борма, дейишади. Начора, мендан эмас, ўзиндан ўпқалан, ўртоқ. Дерларки, тақдирга тушмагай ўроқ.

ГУРРА

Бабақ питрай-питрай қўлдан сирвалди, қочди. Холтой қува кетди уни. Қува-қува ҳовли чеккасида тик турган кетмон беихтиёр босволди. Кетмон дастаси Холтой пешонасида тақ этиб тегди. Қаварчида, ишига айланди, қизил сабзидек еурра пайдо бўлди охири. Оврини галдиради. Шу пайт бабақ кўчага югуриб қолди. Кетидан Холтой юғурди пешонасини бармоқлари ила пайпаслаганча. Кўчада ййнаётган бир тўп бола еуррага кўзларини тушиди-ю, бирдан кийдиришиб қула бошлади: — Гурра! Гурра! Гурра!!!

Ҳамак бўлса, ҳай-ҳай, кимда қалла, Пайтавани қилур бошга салла. Яъни ҚУРБОН

“Адибнинг умри ва йўли поёнсиз”

Бир ҳовуч дур

АБУ ЛАЙС САМАРҚАНДИЙ ДЕМИШЛАРКИ...

▶ КИТОБ МУТОЛААСИ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Незмат Аминов ҳаёт бўлганида бу йил 80 ёшга тўларди. Афсуски, шафқатсиз ўлим бу самимий инсон ва бетакрор ёзувчини 67 ёшида ҳаётдан олиб кетди. Лекин машҳур ҳажвчи адиб яратиб кетган бебаҳо асарлар ва бу асарларнинг қулгига маҳкум этилган бетакрор қаҳрамонлари ҳамон қулгисевар, китобхонлар қалбида яшаб келаётир.

Қуйида устозимиз — аjoyиб инсон ва истеъдодли ҳажв устаси Незмат Аминовнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи янги китобдан айрим бобларни газетхонлар ҳукмига ҳавола этишни лозим топдик.



халқимизнинг маънавий хазинасига қўшилганига ҳавас қила туриб, ҳар бир китобхондан сўрагим келади: оталаримиздан, оналаримиздан бебаҳо тиллоларни олиб қолдикми, олиб қолаймизми?..

Незмат Аминов кундаликлари нашрга тайёрлаш жараёнида муаллифнинг кундалик воқеалар билан бирга ўзи эшитган қизиқ воқеалар, ҳангомаларни мунтазам ёзиб борганига гувоҳ бўламиз. Бу кузатишлар кўпгина асарларнинг яратилишига “ҳамиртурмуш” вазифасини бажарган. Улар кундаликда ҳам “Қизик” деб берилган. Масалан, 1970 йил 28 январь куни кундалик саҳифасида шундай қизиқ ҳангома қайд этган:

“Бир чапани йигит бўлади. Ҳовуз лабига ўтиради. Сувга чиққан гўзал хотинга кўз сузди, мўйлов учиради. Хотин бу ҳодисани эрига айтган, эри, уйга имла, дейди. Яна хотин сувга чиқса, ҳалиги йигит йўталди, кўз қисали, мўйлов учиради. Хотин уйга имлайди. Йигит эрига шундай ховуш кирди. Уни пичоқ яланғочлаган эри қутиб олади. Ниҳоят, уни бир кеча-кундуз уйда сақлаб келишади коча оқлади. Сунг, бундай номмақулчилик қайта бўлмасин, деб унга жавоб беради.

Яна бир кун хотин сувга чиқса, ҳалиги йигит ўтирганми. Хотин уни синаб қўриш учун секин йўталиб “иҳм”, деб уйига имо қилади.

— Ҳа, шолинг туганганга ўхшайди! — дейди йигит терс қараб...
Яна бир ҳаётий ҳангома кундаликнинг 1971 йил 8 февралда баён этилган: “Колхозга телеоператор келади. Уч кун овозларчилик, юз-юз эллик кишини тўпаш. Илгиринг соқолини олиш учун сартарошга киши юборади, сартарош йўқ. Райондан олиб келишади. Бир добинг салласи ўрнига чуст дўппи топишади... Тайёрларлик узоқ давом этади. Хуллас, расмга ҳам туширилади... Лекин телезорда кўрсатилмайди. Чунки, денталар брак экан...”

Кундаликларда бундай ҳаётий ва ибратли воқеалар, қизиқ ҳангомаларни ўқиш — ёзувчининг ҳаёти чукчур ўрганганлигини кўрсатади...
Устознинг “Тилло табассумлар” деган ҳикоялар ва ҳажвчилар китоби бор. Китобнинг номиде “Тилло” сўзи бежиз ишлатилмаган.

Бухоро тупроғи азалдан қимматбахо тиллога бой маконлардан бири экани тарихдан маълум. Жаҳон бозориде ҳам Бухоро тиллосининг кадр-қим-

матиде жуда баян бўлган. Лекин Бухорода яна бир бебаҳо бойлик — тилло бор эдики, бу бухороликларнинг қониде, ҳаракатиде, юз-кўзлариде, гап-сўзлариде қуёшдай балқиб турган КУЛГИ эди. Незмат Аминов истеъдодли ҳажвчи сифатиде ана шу баҳосиз табассумларни эринмай, юксак маҳорат ва катта заҳматқошлик билан тўплаб, адабиётга олиб кирди. Лекин бир-бириндан сароб, турфа қулгиларни ажратиб олиш, чин ва ҳақиқий қулгини яратиб осон кечмаган. У кишининг асарлариде янграб турган қаҳқаҳани, беозор қулгини ҳақиқий тиллога ҳам сотиб олиб бўлмайди. Устоз яратган қулгининг баҳосиде ва қадри баян, умри узоқ.

Ёзувчи бўлажак қаҳрамонлари билан бирга яшаб, бир муҳридан нафас олган. Улар билан ишхонада, чойхонада, давраларда қизгин суҳбатлар курган. Ва уларнинг гап-сўзлари, қилқилари, шаклу шомойилдан сездирамай, тиллоларини, яъни қулгиларини “умарган”.

Ёзувчи 50 йиллиги муносабати билан турган жойи — Ромитан туманидаги Питном қишлоғиде бўлган ижодий учрашувларда шундай деган эди:

— Азиз ҳаққишлар, кадрдонлар, дўсту биродарлар! Мен бир “айб” иш қилганман. Бугун Сизларнинг олдинда “айб-гим”га иқрооб бўлмоқчиман. “Гуноҳим”ни бўйнимга олсам, кечирасизлар деган умиддаман. Мен ашаддий “ўғри”ман. Кўп йиллардан буён сизларнинг бебаҳо қулгиларини “ўғирлаб” келаяман. Бу қулгиларни асарларимга бекитганман. Ўйлайманки, менинг бу “гуноҳларим” учун кечирасизлар...
Залда давомли ва самимий қарасалар янграган. Улар шу тариқа “ўғри” фарзандини кечирганлар. Кечириб олқишланганлар.

Незмат Аминов “ўғирлаган” тиллолар бугун адабиётимизнинг хазинасидан мустақкам ўрин олгани айни ҳақиқат.

Незмат Аминов ҳаётда самимий, бағрикенг, ҳалол ва виждонли инсон эди. У киши одамларга яхшилик қилиб асло чарчамасди. Ва қилган яхшилигини ҳеч қачон айтмасди. Ҳақиқий яхшиликларвар эди.

Ҳалоллик устознинг ҳаёт мазмунига сингиб кетган эди. Бу мукаммал ҳалолликнинг илдизи оилада эди. Адибнинг отаси — Уста Амин Нуруллобой ўли темирчи уста бўлганлар. Фарзандларини ҳалол лўқма билан вояга етказганлар. Отасининг диний эътиқоди ниҳоятда баян ва мустақкам

бўлган. У кишининг ушбу сўзлари юқоридеги фикрларимизни исботлаб турибди. “Бу дунёга келиб, уч нарсалдан ҳазар қилдим. Биринчиси — тилло, иккинчиси — мийтигу таппонча, учинчиси — қадаҳ. Шу учаласини қулгимга олмадим!”

Агар адабиёт оламида бирор бир ёш истеъдодли ижодкор пайдо бўлса, Незмат Аминов бундан бениҳоя хурсанд бўлиб, адабий давраларда, уюшмада бўладиган катта йиғинларда уларнинг номларини баралла айтарди. Афсуски, кўпгина ижодкорларда бундай бағрикенглик етишмайди...

Незмат Аминовнинг қулгиси — бегубор, тоза ва самимий эди. У кишида ўзига хос актёрлик санъати ҳам бор эди. Ўзгаларини Бухоро ҳақиқасиде, яъни ўз қаҳрамонлари тилида жуда чиroyли ўқирди. Афсуски, уларнинг қулчилиги ёзиб олиб қолинмаган. Бу энди бошқа мавзу...

Таниқли олим Бироҳим Ҳаққул айтганидек: “Валий — валийлигини билмагани учун валийдир” деган гап бор. Незмат Аминовдаги камтарлик, хокисорлик, одамийлик уни даҳолик, “биринчилик” илдоасидан асраган асосий фазилатлар бўлган деб ўйлайман.

Яна бир гап. Незмат Амин Бухоро тупроғиде чукчур илдиз ёлган, шу заминдан ҳеч ажратиб бўлмайдиган азамат ДАРАХТга ўшарди. Унинг руҳи Бухорондан узилшига қўнимас, хотираси Бухоро ва бухороликларни қўмсайдан тўхтамасиде... умрининг сўнгги йилларини Незмат ака Бухоро соғинчи, Бухоро иштики билан ўтказди...”

У киши Бухорога борса, Тошкентни, Тошкентда яшаб, Бухорони соғинарди. Энди унинг қалбидеги меҳр ришталари янада мустақкам боғлашиб, Ўзбекистонга айланган эди. Незмат Аминов гарчи Бухоронинг тор кўчалариде юриб вояга етган бўлса-да, адабиётнинг тор ва маҳаллийчилик кўчаларидан асло ўтмаган.

Айрим ҳаққабларига ўхшаб гуруҳбозлик, гўдабозлик қилган эмас. Ҳатто бундай ярамас одатларни ҳаёлига ҳам келтирган эмас.

Незмат Аминовнинг атрофида ҳаммиде истеъдодли ижодкорлар бўлган. Бир ёнида Саид Аҳмад, Озод Шарафидинов, Абдулла Орипов, Уткир Ҳошимов бўлса, бир ёнида Эркин Аъзам, Мурод Муҳаммад Дўст, Хайриддин Султонов, Машраб Бобоев, Усмонов Азим сингари адабиётнинг чинакам фойдилари, заҳматқошлари бор эди...

Ашурали ЖҲРАЕВ

КАСБ-КОР ТЎҒРИСИДА
Ҳар бир нарсанинг зеб-зийнати бор, йигитликнинг беязи ва зийнати касб орқасидандир.

НИКОҲ ВА ТҶҲУСУСИДА

Фақиҳ Абу Лайс (рахимахуллоҳ) айтдиладар: Набий (солаллоҳу алайҳи васаллам): “Никоҳнинг энг баракалис таъминот жиҳатидан энгилдир”, дедиладар.

Бир киши Ҳасан Басрийнинг олдида келиб, қизини узатиш ҳақида маслаҳат сўради. У зот: “Қизингни таъводор кишига турмушга бер, чунки агар уни яхши қўрса, ҳурмат қилади, ёғтирмасе ҳам, унга зуам қиламайди”, дедиладар.

ЧИROYЛИ МУОМАЛА ҚИЛИШ ҲАҚИДА

Фақиҳ Абу Лайс (рахимахуллоҳ) айтдиладар: “Кишилар ўзаро муносабатда мулоҳим сўз, очиқ юзли бўлиши керак”.

Иброҳим Ҳамза Омрийдан, у Таҳа ибн Умардан ривоят қилади. У: “Мен Атога: “Сизнинг олдиндага ҳар хил кишилар келади, мен ёлғизликни яхши қўраман, уларга баъзан кўпол сўзларни айтман”, дедим. У: “Бундай қилма, чунки Аллоҳ таоло “Инсонларга чиройли гапиринлар”, деб бузурган”.

Набий (солаллоҳу алайҳи васаллам): “Сизлар инсонларга молларинг билан кенглик қила олмасаларинг, очиқ юз ва чиройли худқларинг билан кенглик қилинлар”, деганлар.

ОҚИЛ КИМ?

Баъзи ҳукамолар (ҳикмат соҳиблари, олимлар), оқил ким, деб сўралганида: “Ошқора қилмишдан ҳаё қиладиган ишни махфий ҳолатда ҳам қилайдиган кишидир”, дейишди.

“Бўстонул-орифийн”дан

Яхши асар ёзилиб, “йўракка” ўралиши билан дарҳол қанот қоқиб, китобхонлар тилига тушади. Адабиётда овоза бўлади. Бундай асарни китобхонлар ҳам, адабий жамоатчилик ҳам олқишлар билан қутиб олади. Ва бу асар чинакам адабий ҳодисага айланади. Адабиётда бунга ёркин мисоллар кўп...

Машҳур ҳажвчи Незмат Аминов дастлабки ҳажвий ҳикоялари ва илк китоби “Икки пуллик обрў” билан аллақачон китобхонлар тилига тушган бўлса-да, ёзувчининг “Елвизак” ҳажвий қиссаси ёлгон қилиниши билан қулгилмаган адабий мўъжиза рўй берди. Ушбу ҳажвий қиссанинг қадами қулғу келиб, адабий жамоатчилик ва китобхонларнинг юксак ёғтироғига сазовор бўлди. Адабиётимиз устоз Озод Шарафидинов ёзганидек, Баширжон Зайнишев деган адабий тип билан бойиди.

“Елвизак” чоп этилган ўша кундаликларида мамнуният билан шундай қайд этган эди: “Ишончага 14 та “Елвизак”дан олиб келдим. Ҳамма сўрайди. Одамларда қизиқчи катта. Худойимга минг қатла шуқур!”

Иброҳим Гафуров: “Елвизак”нинг тақдирини ҳам худди ўзингиздек бахтли бўлсин”, деди.

“Тўша яқин Ашурали келди. “Елвизак”ни синчиқлаб ўқибди. Каттиқ таъсирланибди ва хат қўришида 8 бетли тақриз ёзибди. Яхши тушунибди...”
“Касса олдида Маматқул Ҳазратқулонни кўрдим. “Елвизак”ни бир ўтиришда ўқиб чиқди, дея ўш минутча мактаб гапирди. Кўнглим анча кўтарилиди”.

“Кейин Мурод Хидирни учратдим. “Елвизак”ни ўқибди. Ўзида йўқ шод. Албатта, ёзаман, дейди”.

“Эрталаб соат 9 ларда Озод ака Шарафидинов телефон қилиб қолди. “Елвизак”ни сўради. Мен, олиб бораман, дедим.

Кейин “Тулхан”да ишлайдиган Темир Убайдулло билан бирга бордик. Озод ака уйда экан. Анча суҳбатлашиб ўтирдик. У киши “Елвизак”нинг чиққанидан жуда хурсанд. Бирор жойга тақриз ёзиб бераман, дейди...”
Оралан кўп вақт ўтмай “Ўзбекистон маданияти” (ҳозирги “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”) газетасида Озод Шарафидиновнинг “Елвизак ҳақидаги салмоқли мақоласи ёлгон қилинди. Ушбу мақоланинг шов-шувви асариникидан кам бўлмади. Қиссасга берилган юксак баҳолардан бири ушбу мақола бўлди. Ва бу ёғтироғ ёзувчига ижодий шижоат бағишлади.

Озод ака шундай деб ёзди: “Баширжон Зайнишев қиссасида майда ўғри, тамағир, муттаҳам бир шахс сифатида тасвирланган... Савол туғилади: қандай қилиб Баширжондай чаламулла, эътиқодсиз, нокас, қўли эгри, бузуқлик кўчасига кириб чиқавердикидан, фаросатсиз ва калтафаҳм одам кўп йиллар мобайнида масъул лавозимларда ишлаб келди. Ахир унинг билмаслигини, фаросатсизлиги бир зумда одамлар ўртасида лағифага айланган кетди-ку! Бирга ишлайдиган ҳамкасблари бир зумда унинг пуч эканини билиб қолдишди-ку! Шунга қарамай, Баширжон пўкакдек сув бетиде қалқиб юраредилар. Қиссасида бу саволларга атрофлича бадий жавоб берилган...”

Ёзувчи “Елвизак”нинг доврагидан эсанқираб қолмади. Асарин қизин ва далад давом эттирди. Баширжон Зайнишевнинг серқирра ва саргузаштларга бой фаолияти муаллифга асло тинчлик бермади. Ёзувчининг қулги тўкилиб турган қадами Баширжон изидан қаҳқаҳа отиб боравереди. Ҳар бир сатри ичакўзиде воқеалар ва ҳангомаларга тўла навбатдаги асар 1982 йилда “Суварак” номи билан дунёга келди. Икки асар бирлаштирилиб, “Елгончи фаршталар” ёхуд елвизак феълуде суваракмижоз Баширжон Зайнишев ҳаётидан

кўш қисса” номи билан 1983 йилда Ф.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида кўп минг нусхада чоп этилди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ушбу китобга ёлган сўнгги сўзида шундай дейди: “Елгончи фаршталар”да Баширжондан бошқа жуда чиroyли, жуда аниқ чизилган образлар кўп. Ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга, тили ҳам, қиёфаси ҳам, хатти-ҳаракатлари ҳам бир-бирини тақрорламайди; Шамси Тураевич, Қирмихон, Қўямхон, Вафо аттор... Булар — ёзувчи ниҳоятда ўткир кўз билан танлаган, ёркин бўғқлар билан моҳирона чизиб берган бадий топилмалардир... Адабиётимиз яна бир умрбоқий асар билан бойганидан бениҳоя хурсандман”.

Кейинчилик ёзувчи қўшқисса устидеги ижодий ишларини жишлий давом эттириб, уни ҳажвий романига айлантирди. Ва бу асар биринчи ҳажвий роман сифатида адабиётимиздан мустақкам ўрин олди. Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов ибораси билан айтганда: “Ёзувчининг қадим-қадимдан келадиган ёлғамалар аёнмаси дейсими, томили бор, шекилли. Гениал ёзувчи бўлса-да, унинг энг шоҳ асари бўлиши табиий. Незмат Аминов ўз ҳаёти домида мана шу шоҳ асарни ёзишга улғурди. Бу адибнинг катта бахти, жуда юксак истеъдодининг махсули эди. Мен, адибнинг машҳур “Елгончи фаршталар” ҳажвий романини назарда тутаялман. Чунки адибнинг умри ва йўли поёнсиз...”

Устознинг яна бир умрбоқий асари “Бир аср ҳикояти” (Темирчиқдан қолган тиллолар) деб номланди. Бу китоб ҳам аллақачон минглаб китобхонлар юрагидан жой олган. Уларнинг қайта-қайта ўқийдиган сеvimли асарига айланганига асло шубҳа йўқ эди.

“Бир аср ҳикояти”ни ўқиб, кўп ҳаёллар кечи, — деб ўста таниқли адиб Хуршид Ёдмухаммад, — Раҳматли уста Аминбой бобонинг ўғитлари

▶ МОЗИЙДАН САДО



Бугун ёшларни турли мафкуравий хуружлардан асраш ҳамда ёт ғояларга берилиб кетмаслиги учун аждодларимизнинг бой маънавий меросини ўргатиш ҳамда уларни азалий қадриятларга содиқлик руҳиде тарбиялаш муҳим масалага айланган. Бу жараёнда ортимизда етишиб чиққан кўплаб етук олимлар умуман, буюк зотларнинг бой меросини ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш ҳар бир маърифатли кишининг бурчи ҳисобланади. Бу эса ёшларимизнинг келгусиде етук инсонлар бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Бу зотнинг тўлиқ исми шарифи Наср ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Иброҳимдир. У Ал-Фақиҳ, Имомул-ҳуд, Шайхул Ислому унвонлари билан ҳам машҳурдир. “Имом ал-ҳуда”, “Ал-Фақиҳ” номлари, “Абу Лайс” қунаси билан машҳур бўлган Наср ибн Аҳмад ибн Иброҳим ас-Самарқандий айланган кўплаб азиз жойлар қадри тикланди. Хукмрон мафкура ўрганиши ман этган буюк асарлар халқимизга туҳфа этилди. Жумладан, улғур юртдошимиз фақиҳ, имом, мутасаввуф олим, муҳаддис, Ҳазрати Абу Лайс Самарқандийнинг машҳур китоблари нашр этилди.

Абу Лайс ўз замонасининг етук олимларидан таҳсил олиб, ислом илмлариде юксак мартабага эришган. Кўпчилик ўша давр алломалари унинг

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридеги, нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан давлат ёрнати ажратилган “Утмиши улғур халқини келажакга ҳам буюк бўлади” номи лойиҳасиде асосиде чоп этилмоқда.

Тўзал ахлоқ тарбияотчиси



бахс-мунозараларда ўзига хос ўрнини алоҳида таъкиллаб келишган. Аллома фикҳ илмида ҳам юксак мартабага эришган бўлиб, ўз замонасиде унга тенг келадиган олим топилмас эди. Шунинг учун у киши “Ал-Фақиҳ” унвонини фикҳ, яъни Ислому ҳуқуқшунослиги илмида юксак мартабага эришгани учун олган. У кишининг устозлари, Х асрда ислом илмлари ривож топган марказлар — Балх, Самарқанд, Бухоро аҳларидан бўлиб, ханафий маъзабининг етук олимларидан бўлишган. Аллома 24 устозидан ҳадислар, Қуръон шарҳида оид ривоятлар, фатволар ривоят қилган бўлиб, унинг етук олим бўлиб етишишида устозларининг ўрни беқисдор.

Тарихдан маълумки, Абу Лайс Самарқандий яшаган давр Мовароуннаҳрда тафсир, ҳадис, ақида ва фикҳ илмлари юксалиб, юқори чўққисига чиққан эди. Шунинг учун ҳам даврни илмфан ривожланшининг олтин даври дейилган.
Абу Лайс Самарқандий тафсир, фикҳ, ҳадис, зуҳд каби ислом илмларининг ҳамма соҳасини қамраб олган асарлар яратган. Унинг бизгача ўттизга яқин асари етиб келган бўлиб, фикҳ, тафсир, мавъиза буйича асарлари ҳозирги давримизда ҳам нашр этиб келинмоқда.
“Баҳрул-улум” (“Илмлар уммони”). Бу асар “Тафсирул-Қуръон” деб ҳам аталади. Ушбу асарнинг иккита қўләма нусхаси сақланиб қолган. Уларнинг бири Миср Араб Республикаси кутубхонасиде, иккинчиси Буюк Британиянинг Эдинбург шаҳри кутубхонасиде. Ушбу асар талқин қили-

ниб, қайта нашр этилган. Яна бир асари “Хизонатул-фикҳ” (“Фикҳ хазинаси”). Бу асарнинг 1467 ва 1814 йилларда кўчирилган икки қўләма нусхаси Шарқ қўләзмалари маркази (Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги кутубхоналарида сақланмоқда. 1814 йили ёзиб тугатилган қўләма нусхаси ва 1815 йили ёзилган иккинчи қўләма нусхаси мазкур қўләзмалар марказиде сақланмоқда. Яна бир асари “Танбехул-гофиллийн” (“Гофилларга танбех”). Ушбу асар 94 бобдан иборатдир. Асар Бухоро амири Ҳайдар топириғи билан 1810 йилда Бухорода қайта кўчирилган. Асарининг бир неча қўләма нусхаси Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг Ле-

нинград бўлимида сақланмоқда.

Абу Лайс Самарқандий илмий-маънавий меросидан “Баҳр ал-улум” (“Иллар денгизи”) номи тафсири алоҳида аҳамиятга эга. Унда Қуръонга тўлиқ «Фотиҳа» сурасидан «Нас» сурасигача шарҳ берилган. Олим Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васаллам, саҳобаи киромлар, тобеинларнинг 2000 дан ортиқ ривоятларини жамлаган ва улардан унумли фойдаланган. Ҳозир ушбу тафсирининг 77 нусхаси мавжуд, улар Берлин, Мюнхен, Лейден, Иерусалим, Тунис, Истанбул, Санкт-Петербург, Тошкент фондрларида сақланмоқда.

Олимнинг кўплаб асарлари ислом оламни кенг тарқалган бўлиб, айниқса “Танбехул-гофиллийн”, “Бўстонул-орифийн”, “Бўстонул-орифийн” асарлари мана неча асрдирки, қайта-қайта нашр этилмоқда. Жумладан, алломанинг “Танбехул-гофиллийн” китоби Дилмурод Қўшоқов томонидан, “Бўстонул-орифийн” китоби Бекназар Муҳаммадшуқур ва Масъудул Маҳидун ўғли томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, китобхонлар эътиборига ҳавола қилинди. Умуман олганда, алломанинг ушбу асарлари қимматли, фойдали,

Қуръон, ҳадис, саҳоба ва тобеинлар сўзларига таянади. Шу каби, тафсирининг шеърлар, қиссалар, араб тилшунослари сўзлари билан бойитилши аллома асарининг қадрини янада оширади. Қуръон илмларидан қироат, оятнинг нозил бўлиш сабаблари каби билимларнинг акс этиши алломанинг тафсир соҳасида ўзига хос услубдан далолат бериши билан бирга, юртимиздаги дастлабки тафсир асар сифатиде ҳам қимматлидир.

Чиндан-да, бугун буюк алломаларимизнинг гўзал одоб-ахлоқ ҳақидаги асарларининг аҳамияти ниҳоятда охиб бормоқда. Чунки оммавий маданият аталмиш иллат ёшларимизни ўз комита тортаётган бир пайтда аждодларимизнинг бебаҳо асарлари қалбларга маҳкам, қўнглимизга яхшилик, йўлимизга ёруғлик тарқатувчи маёқ бўлса не ажаб.

Шунингдек, жаҳолатга қарши — маърифат билан курашишда Абу Лайс Самарқандийдек уламоларнинг бебаҳо асарлари мустақкам пойдевор бўлиб хизмат қилиши табиий.

Б. МУҲАММАДИЕВ тайёрлади.

Ўзбекистон — Жанубий Корея: Тиббий соҳада рақамли шифохоналар

▶ СИНАЛГАН РИШТАЛАР

Маълумки, кейинги йилларда тиббиёт соҳасида замонавий техника ва технологиялар тобора такомиллашиб бормоқда. Хусусан, бирламчи тиббиёт бўғинидан тортиб, мураккаб амалиётлар ўтказиладиган ихтисослаштирилган марказларгача бу жараён жадал ривожланиб бормоқда.

Шунингдек, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббиёт мусасасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Айни пайтда чекка ҳудудлардаги қишлоқ врачлик пунктларидан тортиб, кўп тармоқли оилавий поликлиникаларгача — бари замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланяпти. Натيجата аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати янада яхшиланди.

Семинарда Жанубий Кореянинг The SMBA (Кичик ва ўрта бизнес бошқармаси), K-BIZ ва KONEA (Корея рақамли шифохона экспорт агентлиги) каби ўнга яқин компаниялар ўз лойиҳалари ҳамда тиббий ускуналари билан иштирок этишди. Тақдиротда сўзга чиққанлар рақамли шифохоналар қулайликлари ва унда беморларни рўйхатга олишнинг янги усуллари ҳақида маълумотлар бердилар. Рақамли шифохоналарнинг афзалликларидан бири шуки, унда бемор ҳеч қандай навбатсиз қабул қилинади. Чунки у ҳақидаги маълумотлар рақамли ши-

фохона маълумотлар базасига махаллий соликни сақлаш тизимига олинган киритилган бўлади. Шунинг учун бемор ҳужжатларни қайта расмийлаштирмайди. Ҳар бир беморнинг касалликлар варақаси ҳам "sandwich" ускунаси орқали рақамли шифохона базасида сақланади. Бу албатта бир қанча қулайликларга

эга. Аввало, вақтни тежайди, беморнинг қайта даволанишига кўмак бериш билан бирга аниқ ташхис қўйишга ҳам замин яратади. Бундай шифохоналар айниқса, чекка ҳудудларда яшовчи аҳоли учун жуда қулайдир.

— Бугунги кунда мамлакатнинг раҳбари тиббиёт соҳасини янада ривожлантириш мақсадида янгидан-янги қарорларни имзоламоқда. Бу соҳани тубдан ислоҳ қилишда муҳим аҳамият касб этади десам муболаға бўлмайди, — дейди KONEA агентлиги маъмурий директори Тае Хюнг Ким. — Жанубий Кореяда тиббиёт соҳасини янада ривожлантириш мақсадида янги тизимлар ишлаб чиқилмоқда. Биз Ўзбекистон билан ҳам ана шу марраларни забт этиш учун ҳамкорликда иш юритмоқчимиз. Мақсадимиз мамлакатнингизда ҳам рақамли шифохоналарни жорий қилиш ва аҳолига янада сифатли тиббий хизмат кўрсатишда Ўзбекистонга кўмак беришдир. Бир неча йиллик тажрибамиз ва синовдан ўтган технологияларимиз юртингиз рақамлига ўз ҳиссасини қўшади, деб ўйлайман.

Семинарда айтилишича, Кореянинг мазкур компаниялари шифохоналарнинг дизайни ва қурилишини янгилаш, энг сўнгги техник жиҳозлар билан таъминлашда ўз лойиҳалари билан юртимиздаги тиббиёт соҳасини янада юксалтиришга кўмаклашишади. Кейинги йилларда Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилаётган мазкур технологияларга жаҳон бозоридан талаб ортиб бораёпти. Жумладан, Бразилия, Туркия, Эрон ва Ҳиндистон каби қатор мамлакатлар Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган тиббий ускуналарига асосий харидор саналишади.

Шуни айтиш жоизки, юқоридаги лойиҳалар нафақат мамлакатимиз тиббиёти ривожига ўз ҳиссасини қўшади, балки икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ришталарини ҳам янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Сахрогул ОҚБЎТАЕВА,
Ўғилой МАКСУДОВА



Яқинда пойтахтимиздаги CITY PALACE меҳмонхонасида ўтказилган UZBEKISTAN — KOREA Medical ICT (Digital Hospital Business Roadshow) (Ўзбекистон — Жанубий Корея ўртасидаги тиббий АКТ бизнес ҳамкорлиги) номли семинар ҳам аynи шу мақсадга йўналтирилди.

фохона маълумотлар базасига махаллий соликни сақлаш тизимига олинган киритилган бўлади. Шунинг учун бемор ҳужжатларни қайта расмийлаштирмайди. Ҳар бир беморнинг касалликлар варақаси ҳам "sandwich" ускунаси орқали рақамли шифохона базасида сақланади. Бу албатта бир қанча қулайликларга



ASAKA BANK

2017 йил 11 июлда

Fitch Ratings

халқаро
рейтинг агентлиги

«АСАКА»
акциядорлик
тижорат банкининг

халқаро кредит рейтингини ва
истиқболлини

«БАРҚАРОР» деб тасдиқлади

Xizmatlar litsenziyalangan Reklama

БОЙСУН МЎЪЖИЗАЛАРИ

▶ ОНА ЮРТ БЎЛАБ

ЎША МАШҲУР ТЕШИКТОШ


Навбатдаги манзилимиз ибтидоий одамлар яшаган Тешиктош горидир. Эрталаб "УАЗ" машинасида йўлга тушиб, Мачай қишлоғигача бордик. Йўлбошловчимиз: "Энди бўёгига пиёда юрамиз. Форга боршининг икки йўли бор. Биринчиси шу тоғдан ошиб ўтиш, иккинчиси Зовталашгансой дараси ичиданги тор йўлдан бориш", деди. Машаққатли бўлса-да, тоғдан ошиб ўтишга қарор қилдик. Сабаби, осмонни қора булут қоплаб турган пайтда дара ичидан юриш хавфли. Сел келиб қолса, қочмоққа йўл тополмаймиз.

Тоғнинг устига бир соатла чиқдик. Шунда йўлбошловчимиз — Хусниддин ўрмончи: "Хув ана, Тешиктош фори", деб қолди. Узоқ тикилгач, чуқур дардаги деворсифат билан қоянинг анча юқорисидан қорайиб турган кичикроқ ковакка кўзимиз тушди. Лекин бу ковакка етишимиз учун яна бир, бир ярим соат дам олмадан юришимиз керакка ўхшайди. Чиндан ҳам шундай бўлди. Чуқур ва бироз кўр-кичкли дарага тушаётган пайтимизда ёмғир ёға бошлади. Бу эса сўқмоқда ҳаракатланишимизни янада қийинлаштирди. Сабаби, илон изи тор йўлдаги тошлар сирпанчик бўлиб қолганди. Бир амаллаб дара ичига

тушиб олдик. Дара ичи жуда чуқур, ҳавоси салқин экан. Сел ва тошқинлар туфайли бир пайтлар тоғнинг юқорисидан оқиб келган улкан силлиқ харсанглар дарда тахланиб ётибди. Улардан ошиб ўтиб жуда чарчадик. Ярим қақирим шу тариха юргач, булоққа дуч келдик. Суви тип-тиник ва муздай бўлса-да, таъми бошқача: пича нордон, ҳатто аччиқ ҳам.

Бироз дам олдик. Атрофга назар ташлаймиз. Дара жуда ҳайбатли. Ёлғиз юришга чўчийсиз. Тепангизда катта харсанглар муаллақ осилиб турган пайтда дара ичидан юриш хавфли. Сел келиб қолса, қочмоққа йўл тополмаймиз.

Тевавакда, аниқроғи, даранинг турли жойида форларнинг оғзи қорайиб турибди. Уларнинг баъзиларига фақат махсус тай-ёргарлик кўрган кишиларгина чиқа олади. Негаки, форлар тик қоянинг 50-100 метр баландлигида жойлашган. Уларнинг ичиди қандай сирлар яширинганини билмаймиз. Бизни фақат дунёга машҳур Тешиктош фори қизиқтиряпти, холос. Шу боис дара бўйлаб юришда давом этдик. Ёмғир кучайди. Юришимиз янада қийинлашди. Дара ичи қоронғилашди. Харсангларга тир-машиб, қадим аждоқлар яшаган биринчи форга едик. Баланд қоянинг остида жойлашган бу жойни аслида фор деб



ИККИНЧИ МАҚОЛА

ҳам бўлмайди. Чунки 50-60 киши сизадиган айвонсифат камарга ўхшайди. Оғзи тору, ичи кенг. Камар шифтининг баландлиги 5-6 метрга етади. Ҳавоси қуруқ ва илиқ.

Яна олға жилдик. Дара кенгайган жойда сой бўйлаб эмас, қоянинг тубидаги илон изи сўқмоқдан ўрлади. Ёмғирдан лой бўлиб қолган сўқмоқдан юқорига чиқиш осон кечмади. Қарасак, Хусниддин ўрмончи турли буталар шоҳидан ушлаб зипиллаб кетаяпти. Биз ҳам шундай қилдик ва иккинчи форга едик. Бу ер ҳақиқий камар эди. Қор-ёмғир тушмаганидан ери қуқ-қуққ. Ҳавоси ҳам илиқ. Камарни пича ку-

затгач, энг асосий жой — Тешиктош сари ўрлаймиз. 150 метрлар баландликка чиққач, ҳақиқий форга дуч келдик. Мана, биз кўрмоқчи бўлган машҳур Тешиктош.

Нафас ростлагач, горни кузатишда давом этдик. Ичи қияликдан иборат горнинг юқориди текис ерига чиқиш анча мушкул келди. Негаки тошлар шунчалик силлиқки, оёқ қўйишингиз билан сирпанчиб кетасиз. Шу боис тошларнинг гадир-будур ерларидан юриб чиқишга тўғри келди. Қоронғи эмасми, ёритиш ускуналари билан ери ости қасирини тўлиқ кузатишга муваффақ бўлдик. Фор ичи баланд-

лиги 7 метр, эни 20, узунлиги 21 метрга тенг. Шифти тешик. Шундан бу фор Тешиктош деб аталган. Айвониди ибтидоий одамлар барпо қилган супачалар сақланиб қолган.

Бу ердан даранинг юқориси кафтек кўриниб турибди. Демак, дарда ёввойи ҳайвонлар юрса ҳам, душман келса ҳам тезда кўриш мумкин. Агар жангда душмандан енгилгудек бўлса, ибтидоий одамлар учун горнинг шифтидаги туйнугидан чиқиб, қочиб кетиш имкони ҳам бўлган.

Зовталашгансой дарасида форлар кўп. Лекин улардан фақат учтасида неандертал одамлар яшаганидан гувоҳлик бе-

рувчи археологик материаллар бор. Бу биринчи марта 1938-1939 йилларда топилган ва ўрганилган.

Форнинг таги 5 та маданий қатламдан иборат бўлиб, ҳар бир қатламда гулхан қолдиқлари сақланиб қолган. Унинг атрофида ибтидоий одамлар томонидан ишлов берилган 3 мингта яқин тош буюмлар, 24 та ўткир тош қурол, қирқувчи ва тарашловчи сифатида ишлатилган 65 та қирғич, пайконлар, тош пичоқлар, айиқ, йўлбарс суяклар, тоғ оқчиларининг шохлари топилган.

Тешиктош фори топилмаларининг энг қимматлиси ибтидоий одамнинг суяк қолдиқларидир. Олимлар Тешиктош одамнинг калла суяги асосида унинг ташқи қўёғасини тиклаш ва қиз бола эканини аниқлаган.

Бойсунда форлар кўп. Шундайлар борки, узунлиги 3 минг метрга етади. Лекин улар Тешиктош горидай машҳур эмас. Тешиктош дунё билди. Негаки, бу фор қадимий одамлар манзили бўлган. Ундан топилган археологик материаллар тарихни ўрганиш учун нафақат Ўзбекистон, балки дунё олимларига муҳим ва қимматли манба бўлиб хизмат қилмоқда. Шу туфайли унинг шухрати оламга ёйилган.

Абдулла
МАМАСОДИҚОВ,
"Dunyo bo'ylab"
телеканоли
масъул котиби

Донлар бистидан



Китоб сўзлари киши-нинг қўлидан тўтади, уни эзув йўлга бошлайдди. Бу ҳикматни кўйлаб китобларни ўйган одамгина англаб етади.

Юсуф Хос Ҳожиб

Бехру Балқий шундай деган эди: "Дунёда менга икки нарсга хушдир: бири — дилга ёқадиган сўз, иккинчиси — сўз ёқтирадиган дил. Шодон кўниси киши шундай кишики, унинг дили сўздан фай топа олади. Ёқимли сўз шундай сўзки, у кишининг дилига шодлик етказиб олади!"

Абулбарқот Қодирий

Улиқдир ҳаётда хунарсиз киши, хунарсиз бўлганда йўлини яхши!

Хожа Самаранд Термизий

Агар ордан шарму ҳаё кўтарилса ва киши кишидан уламаса, олам нивомига халла етади.

Ҳусайн Воиз Кошифий

